

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Сиёсатшунослик факультети

Жаҳон сиёсати кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида

Рўзиев Дилшод Зокирович

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИДА
ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТИНИНГ АҲАМИЯТИ

5220500 – Халқаро муносабатлар

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

Ўқитувчи Ниязова Н.М.

Илмий маслаҳатчи:

Ј.Д., доц. в.б. Очилов Б.Э.

Тошкент - 2011

МУНДАРИЖА

	бет.
КИРИШ	3
1 – БОБ. ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ	10
1.1. Фуқаролик институтининг тарихи ва келиб чиқиши	10
1.2. Фуқаролик концепциясининг асосий таърифлари	14
1.3. Ҳозирги замон халқаро муносабатларида фуқароликни олиш ва йўқотиш усуллари	19
2 – БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИДА ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТИНИНГ МАЗМУНИ ВА ҲАРАКАТ ДОИРАСИ	26
2.1. Ҳозирги замон халқаро муносабатларида кўпфуқаролик ва фуқаросизлик масалалари	26
2.2. Ягона фуқаролик концепциясининг келиб чиқиши ва Европа Иттифоқи фуқаролигининг моҳияти	30
2.3. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ва Ўзбекистонда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мақоми	41
ХУЛОСА	51
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	54

КИРИШ

Битирув малака иши мавзуининг долзарблиги. Фуқаролик инсоннинг давлат билан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи сиёсий-ҳуқуқий алоқасидир¹. Профессор С.Ю. Кашкиннинг сўзлари билан, «фуқаролик – давлатчиликнинг энг муҳим белгиларидан (атрибутларидан) бири бўлиб, инсон ва давлатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларида ифодаланади»², Президентимиз И.А. Каримов сўзлари билан айтганда, “фуқаролик давлат билан шахсларни жипслаштирувчи, улар ўртасида барқарор алоқаларни ўрнатувчи энг катта ютуқлардан биридир”³. Демократик давлатда у давлатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ва фуқарога давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқини берувчи тенг ҳуқуқли аъзоликни таъминлайди. Фуқароликни бундай тушуниш тобора кенг тарқалмокда⁴. У аввал мавжуд бўлган фуқароликни инсоннинг давлатга тегишлилиги сифатида тушунишга мос келмайди⁵.

Ўзининг мавқеига кўра фуқаро қонунда назарда тутилган барча ҳуқуқлардан фойдаланади ва керакли мажбуриятларни олади. Давлат фуқаронинг ҳуқуқларини таъминлайди ва уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назорат қилади. Чет элда бўлганда фуқаро ўз давлатининг маълум қонунларига риоя қилади, давлат эса уни дипломатик ҳимоя билан таъминлайди. Кўпгина шартномалар иштирокчи давлатларнинг фуқароларига маълум ҳуқуқ ва имтиёзлар берилишини назарда тутди.

¹ БМТ Халқаро Судининг Ноттебом иши бўйича қарорида фуқароликни «ижтимоий фактга асосланган реал алоқанинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан бирга манфаатлар ва ҳиссиётларнинг мавжудлиги» тарзида тушуниш мавжуд // International Court of Justice Reports. – The Hague, 1955. – P. 4.

² Основы права Европейского Союза/ Под ред. Кашкина С.Ю. – М.: Белые альвы, 1997. – С. 99.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 54.

⁴ Черниченко С.В. Население в международном праве // Курс международного права (в 7-ми томах). Т.3. – М.: Международные отношения, 1981. – Б. 69.

⁵ Бундай тушунча замонавий адабиётлар ва амалиётда учраб туради. Француз олимларининг ёзишича, юридик маънода фуқаролик «шахснинг бирор давлатда яшаб турган аҳолига тааллуқлилигидир. Бу тааллуқлилиқ фуқарони тегишли бўлган давлатнинг хусусий юрисдикциясига бўйсундиради...» // Batifoll H., Lagorde P. Droit international private. Т. 1. – Paris, 1981. – P. 60.

Ҳуқуқий тушунча сифатида фуқаролик индивид ва давлат ўртасидаги ҳуқуқий алоқаларни ва бунда шахснинг маълум давлатга тегишлилигини билдиради. Шахснинг давлат билан энг типик ва мустаҳкам алоқасининг кўриниши унинг давлат ҳудудида яшашидир. Фуқароликда шахс ва давлат орасида мавжуд ҳам сиёсий-ҳуқуқий, ҳамда ижтимоий, ахлоқий-маънавий муносабатлар жам бўлган. Бошқача айтганда, фуқаролик фақат шахс билан давлат ўртасидаги ҳуқуқий алоқани белгиловчи юридик маънонигина эмас, балки шахснинг жамиятга тегишлилиги ва унинг ҳаётидаги иштирокини белгиловчи ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир.

Бироқ халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ бунга бутунлай эътиборсиз ҳам бўла олмайди. Унинг мазкур ҳолатдаги роли асосан қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, давлатлар халқаро ҳуқуқнинг оддий-ҳуқуқий нормаларига кўра уларнинг аҳолисини ташкил қилувчи шахсларнинг юридик мақомини тартибга солишда давлатларнинг тўлиқ юрисдикциясини ўзаро тан оладилар;

иккинчидан, улар хорижий ҳудудда яшовчи ўз фуқароларига чет элликлар учун назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишларида ёрдам кўрсатиш ҳуқуқини тан олишга келишганлар;

учинчидан, одатда давлатлар ўзаро шартнома асосида уларнинг фуқаролари тоифасига кирувчи шахсларнинг мақомини белгилаш тўғрисидаги давлат ички нормаларининг бир-бирига зидлиги (*коллизияси*) билан боғлиқ масалаларни йўлга соладилар;

тўртинчидан, умумий халқаро ҳуқуқ нормалари даражасида ташқи алоқалар органлари таркибига кирувчи шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга соладилар.

Бошқача айтганда, давлатларда уларнинг аҳолисига тааллуқли бўлган миллий тартиби ёки миллий ҳуқуқ тартиботида амалга оширилиши керак бўлган халқаро мажбуриятлари мавжуддир. Бунда ушбу мажбуриятлар давлатларнинг миллий ҳуқуқи нормаларида акс этиши зарур бўлади.

Умумлаштирганда, фуқаролик шахснинг ҳам давлат ичидаги, ҳам унинг ташқарисидаги халқаро муносабатлардаги ҳуқуқий ҳолатини белгилайди.

Фуқаролик институти икки томонлама ижтимоий-ҳуқуқий вазифани бажаради. Бир томондан, фуқаролик ўз давлати томонидан ҳимоя олиш ҳуқуқи учун асос бўлса, бошқа томондан, у давлат ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қуроли сифатида майдонга чиқади. Фуқаролик ҳам, шахснинг ҳуқуқий мақоми ҳам давлатнинг шахс, шахснинг давлат олдидаги масъулиятини назарда тутувчи юрисдикция билан боғлиқ.

Фуқаролик – миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари ўзаро муносабатда бўлган институтидир. Фуқаролик масалалари бўйича миллий қонунчиликдан ташқари давлатларнинг фуқаролик масалаларини тартибга солувчи икки ва кўп томонлама битим ва шартномалари ҳам мавжуд.

Фуқароликка шахснинг субъектив ҳуқуқи сифатида қараш мумкин ва шу маънода индивиднинг фуқароликка бўлган ҳуқуқи тўғрисида гапириш зарур. 1948 йил Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 15-моддаси ва 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 24-моддаси 3-параграфи бундай изоҳга асос бўлади. Гап шахснинг аниқ бир давлатга нисбатан қонун томонидан тан олинган муносабати тарзидаги фуқаролик тўғрисида боради. Фуқаролик, индивидда ҳар бир аниқ давлат томонидан белгиланган конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларнинг мавжудлигини билдиради

Ушбу келтирилган ҳолатлар мавзунинг долзарблигини белгилаб беради. Ушбу ҳолат мавзунинг умумий концепцияси билан ҳам боғлиқ.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Фуқаролик институти халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқнинг ажралмас қисмидир. Шу боис фуқаролик институти илмий ва сиёсий-ҳуқуқий адабиётларда атрофлича таҳлил этилган ва ўрганилгандир.

Қатор олимлар, хусусан, Ф. Аудигер, Р. Безнер, Р. Дарендорф, Т. Маршалл фуқаролик назариясига доир тадқиқотларни амалга оширишган¹.

Европа олимлари, сиёсатшунослари ва ҳуқуқшунослари, хусусан, Ж. Барбалет, Р. Брубекер, Е. Гелпи, О. Ичилов, М. Клоза, Ж. Коган, С. О'лери, Ж. Пейнтер, С. Страдел ва М. Яновитц тадқиқотларида ЕИ фуқаролиги масаласи узоқ давр мобайнида атрофлича ўрганилган².

МДХ давлатлари олимлари ҳам шахсининг халқаро муносабатлардаги ўрни, хусусан фуқаролик институти борасида қатор тадқиқотлар юритишган³.

Т. Васильева, П. Калиниченко, Ю. Лепешков, М. Монгуш ва О. Никитина ўз тадқиқотларини Европа Иттифоқи фуқаролиги масаласининг турли жиҳатларига қаратишган⁴.

¹ See: Audigier F. Basic Concepts and core competencies for education for democratic citizenship. – Geneva: University of Geneva, 2000; Bezner R. Theorizing Citizenship. – New York: State University of New York Press, 1995; Dahrendorf R. Citizenship and Beyond: The Social Dynamics and Idea // Social Research, – 1994. – Vol. 41. – P. 42-49; Marshall T.H. Class, Citizenship and Social Development. – Chicago: University of Chicago Press, 1973.

² See: Barbalet J.M. Citizenship: Rights, Struggle and Class Inequality. – Minneapolis: University of Minnesota press, 1988; Brubaker R. Citizenship and Nationhood in France and Germany. – Cambridge: Mass., 1992; Closa. The concept of citizenship in the Treaty on European Union // 29 Common Market Law Review. – 1992. – P. 1143-1155; Cogan J.J. Citizenship for the 21st century: an international perspective on education. – London: Kogan page, 2000; Gelpi E. Towards a democratic citizenship: report. – Strasbourg: Council of Europe, 1996; Ichilov O. Citizenship and Citizenship Education in Changing World. – L.: The Woburg Press, 1998; Janovitz M. The reconstruction of Patriotism. Education for Civic Consciousness. – Chicago: University of Chicago Press, 1983; Kojanec G. The European citizenship. – Strasbourg: Council of Europe, 1997; O'Leary S. The evolving concept of Community citizenship // 32 Common Market Law Review. – 1995. – C. 521-532; Painter J. Multi-level Citizenship, Identity and Regions. – Durham: Contemporary Europe Department of Geography University of Durham, 1989; Strudel S. The Making Of European Citizens / European Migrants As Voters Institut d'Etudes politiques de Lille // CRAPS (C.N.R.S. E.S.A.n8026). – 2001. – April. – P. 44.

³ См.: Бояре Ю.Р. Вопросы гражданства в международном праве. – М., 1986; Витрук Н. В. Основы теории правового положения личности в обществе. – М., 1979; Галенская Л.Н. Право убежища (международно-правовые вопросы). – М., 1968; Черниченко С.В. Международно-правовые вопросы гражданства. – М., 1968.

⁴ См.: Васильева Т.А. Эволюция института гражданства Европейского Союза // Государство и право. – М.: Наука, 2007. – № 12. – С. 22-30; Калиниченко П.А. О гражданстве Европейского Союза // Московский журнал международного права. – М.: Междунар. отношения, 2000. – № 3. – С. 47-50; Лепешков Ю. Гражданство Европейского Союза: нонсенс или объективная закономерность в международном праве // Белорусский журнал международного права и международных отношений. – Минск, 1998. – № 5; Монгуш М.М. Сравнительная характеристика института гражданства союза Республики Беларусь и России и гражданства Европейского Союза // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Юридические науки. – М.: Изд-во РУДН, 2001. – № 2. – С. 84-87; Никитина О.А. Гражданство Европейского Союза и гражданство государств-участников: соотношение международно-правовых категорий // Вестник Московского университета. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2000. – № 3. – С. 94-102.

Республикаларимизда нашр этилган халқаро ҳуқуқ бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларида фуқаролик атрофлича очиб берилган¹.

Кўриб турганимиздек, мавжуд илмий ишлар, айниқса республикаларимизда амалга оширилган тадқиқотлар фуқароликнинг халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрни масаласини махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганмаган, шу сабабли ҳам ушбу масала республикаларимизда атрофлича тадқиқ этилмаган. Ушбу ҳолат ишнинг долзарблигини белгилаб беради.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. *Битирув малакавий ишининг мақсадини* ҳозирги замон халқаро муносабатлари тизимида фуқаролик институтининг тутган ўрни ва аҳамиятини ёритиб бериш ташкил этади.

Илгари сурилган мақсадга эришиш учун қуйидаги *вазифалар* қўйилди:

- фуқаролик институтининг шаклланиш босқичлари ва хусусиятларини очиб бериш;
- фуқаролик тушунчаси мазмуни ва моҳиятини тадқиқ этиш;
- кўпфуқаролик ва фуқаросизликнинг ҳозирги замон халқаро муносабатларина таъсирини очиб бериш;
- ҳозирги замон халқаро муносабатлари тизимиди Европа Иттифоқи фуқаролиги мисолида ягона фуқаролик институтининг тутган ўрнини тадқиқ этиш;
- Европа Иттифоқи фуқаролигининг сиёсий-ҳуқуқий хусусиятларини очиб бериш;
- Ўзбекистонда фуқаролик масалаларининг долзарб жиҳатларини очиб бериш.

¹ См.: Ochilov B.T., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Т.: Adolat, 2007; Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. – Т.: Адолат, 2006; Маматқулов А. Халқаро ҳуқуқ. – Т.: Адолат, 1997; Международное публичное право: Учебник. – Т.: «Zarqalam»; ТГЮИ; ЦИПЧП, 2003; Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. – Т.: ЖИДУ, 2002; Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ: Дарслик. – Т.: Адолат, 2001; Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ: Ўқув қўлланма. – Т.: Адолат, 2001.

Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети. *Тадқиқотнинг объектини* фуқаролик институти ташкил этади. *Тадқиқотнинг предмети*ни фуқаролик институти шаклланиши, унинг давлат билан мутаносиблиги ва ҳозирги замон халқаро муносабатлари тизимида тутган ўрни ташкил қилади.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги қуйидаги концептуал ҳолатларда намоён бўлади:

- ҳозирги шароитда фуқаролик институтининг халқаро муносабатлар тизимида мавжуд бўлиши танқидий таҳлил этилган;

- фуқаролик институтининг барча кўринишлари – фуқаросизлик, фуқаролик ва кўпфуқаролик ягона методологик ёндашув асосида таҳлил қилинган;

- халқаро муносабатларда мавжуд бўлган янги ҳолат – Европа Иттифоқи фуқаролиги мисолида ягона фуқаролик сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан объектив таҳлил қилинган.

Битирув малакавий ишининг илмий-методологик асослари. Қўйилган вазифаларни бажариш учун назарий ва методологик ёндашувлар натижасида умумилмий ва махсус методларга асосланган ҳолда, биринчи навбатда, Ўзбекистон илм-фанида кенг кўламда синовлардан ўтган тарихий метод, шунингдек, мантиқий, қиёсий-сиёсий, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли, функционал, башорат қилиш, таҳлил ва синтез методларидан кенг кўламда фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари ва нутқларидаги концептуал ғоялар, амалий хулосалар ишнинг методологик базасини белгилаб берди. Шунингдек, ишнинг назарий базасини сиёсатшунослик ва халқаро ҳуқуқ илмида умум эътироф этилган доктриналар, концепциялар ва назариялар ташкил этди. Шу аснода, фуқаролик масалалари бўйича сиёсатшунос, давлатшунос ва халқаро-ҳуқуқшунос олимлар назариялари ва қарашлари, жамоат ва давлат

арбобларининг маъруза ва нутқлари, халқаро шартномлар ишнинг методологик асосини яратиб берди.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Иш кириш, 6 та параграфни ўз ичига олган 2 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий иши 60 бетда бажарилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 7 бетда жойлашган 80 та манба ва адабиётнинг номини ўз ичига олади.

1 – БОБ. ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Фуқаролик институтининг тарихи ва келиб чиқиши

Давлат шаклида ташкил этилган жамиятда аҳоли сиёсий жиҳатдан ҳудуднинг қўшимчаси эканлиги фактини юридик мустаҳкамлаб қўйиш эҳтиёжи мавжуд. Давлатнинг аксарият аҳолиси нормал шароитда унинг ҳудудида истиқомат қилади. Давлат ҳудудида доимий яшаш – шахснинг давлат билан амалда боғлиқлигининг энг типик ва мустаҳкам тури бундай алоқанинг мавжудлиги юридик жиҳатдан фуқаролик институти билан мустаҳкамлаб қўйилади. Фуқароликнинг мавжудлиги жамиятнинг давлат сифатида ташкил этилганидан келиб чиқади ва фуқаролик тўғрисидаги қонунда белгилаб қўйилмайди, балки унда юридик жиҳатдан мустаҳкамланади, холос¹.

Фуқаролик тушунчаси ҳақидаги дастлабки маълумотлар милоддан аввалги VI асрга тўғри келади. Афина шаҳар-давлатида аҳолининг муайян тоифалари (эркаклар, эркин шахслар, шаҳар аҳолиси) фуқароликка эга бўлган фуқаролик овоз беришда иштирок этиш, вакиллик органларига сайланиш ва ҳарбий хизмат ўташ ҳуқуқини берган. Милоднинг 212 йилидан бошлаб Рим Империясида фуқаролик Рим Империяси қўшинлари таркибида хизмат ўтаётган ажнабий аскарларга ҳам тааллуқли бўлган. Империя таназзулга учрагач XVIII аср охиригача фуқаролик тушунчаси ўз аҳамиятини йўқотган².

«Фуқаролик» тушунчаси Француз инқилоби билан бирга яна пайдо бўлган. Инқилоб натижасида қиролга содиқлик принципи бекор қилинган ва унинг ўрнига «фуқаро» тушунчасига ҳаёт бағишлаган жамоавий ва индивидуал ирода принципи келган. Бу тушунча, ўз навбатида, мамлакат

¹ Витрук Н. В. Основы теории правового положения личности в обществе. – М., 1979. – С. 37-38.

² Баскин Ю.Я., Фельдман Д.И. История международного права. – М.: Международные отношения, 1990. – С. 87.

худудида яшовчи одамларнинг француз ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатидаги қонуний мақомини белгилаб берган¹. 1791 йилги конституцияга мувофиқ, жамиятнинг сиёсий ҳуқуқларга эга бўлган ва қонун олдида тенглик принциpidан фойдаланган ҳар бир аъзоси фуқаро деб ҳисобланган. Оддийгина ўз фикрини (иродасини) билдириш орқали француз миллатининг аъзосига айланиш мумкин бўлган. Ҳар қандай ирқий ёки диний далиллар рад этилган. Шу тариқа «фуқаролик» тушунчаси қонун даражасига чиқарилган².

Шундай қилиб, миллат ҳақидаги «французча» тасаввур одамларнинг сиёсий танловга асосланган эркин ҳамжамияти сифатида тушуниладиган миллат ғоясидан келиб чиқади ҳамда эски тузумга ўзини миллат деб атовчи учинчи табақа қарши турган Буюк француз инқилоби замонидан бошланади. Миллат ҳақидаги «немисча» тасаввур И. Г. Гердер ва XIX аср немис романтикларидан бошланади. Уларнинг тасаввурида миллат «халқ руҳи»ни ифодалайди, маданиятга ва умумий келиб чиқишга таянади³.

Русча «гражданство» сўзи «город», «горожанин» сўзларидан келиб чиққан. Инглизчада – «city» – «citizenship». Немис тилида «Burger» – нафақат фуқаро, балки шаҳарлик ҳамдир. Буни илк республикалар ўзини ўзи бошқарувчи шаҳарлар тажрибасини ўрганганликлари билан изоҳлаш мумкин. Турли тилларда фуқаролик тушунчаси ҳар хил маъно жиҳатларига эга: citizenship (ингл.), buergerlichkeit (нем.), conciudadano (исп.), citoyennete (фр.). «Фуқаролик» тушунчасига турли тилларда бериладиган таърифлар хилма-хиллигига қарамай⁴, ҳаммаси учун умумий бўлган асосий жиҳатларни аниқлаш мумкин:

¹ Циммерман М.А. История международного права с древнейших времен. – Прага, 1924. – С. 54.

² Моммен А. Федерализм и национальное государство // <http://www.politstudies.ru/-fulltext/1992/4/19.htm>

³ Brubaker R. Citizenship and Nationhood in France and Germany. – Cambridge: Mass., 1992. – P. 32.

⁴ Audigier F. Basic Concepts and core competencies for education for democratic citizenship. – Geneva: University of Geneva, 2000. – P. 55.

Фуқаролик – одатда, сиёсий ҳуқуқлар орқали жорий этиладиган муайян ҳамжамиятга мансублик масаласи. Шундай қилиб, фуқаро – доимо бошқалар билан бирга яшовчи шахс. Ҳамжамият бунда икки даражага эга бўлади:

Локал – инсон мансуб бўлган шаҳар (кўпинча урбанистик маънода), жой. Давлатчилик – у муайян давлатда тўлиқ ҳуқуқларга эга бўлган муайян миллатга мансубликни билдиради.

«Фуқаролик» тушунчаси муайян ҳуқуқлар тааллуқли бўлган доирадаги ҳудудни ёхуд мазкур ҳуқуқлар билан таъминланган гуруҳларни аниқлашни ўз ичига олади.

Шунингдек, давлатлар фуқароликни олиш ҳуқуқига нисбатан қўллайдиган асосий принципларни ҳам эслатиб ўтиш зарур. Шундай қилиб, фуқароликка қуйидаги йўллар билан эга бўлинади:

1. Туғилиш ҳуқуқи бўйича: *jus soli* (ҳудуд ҳуқуқи, лот.) ва *jus sanguinis* (қон ҳуқуқи, лот.)¹.

Jus soli ҳуқуқига мувофиқ давлатга нисбатан фуқаролик шахснинг ушбу давлат ҳудудида туғилганлиги билан белгиланади. *Jus sanguinis* ҳуқуқига кўра, муайян давлатнинг фуқароси деб отаси ёки онаси (ёхуд иккови) ушбу давлат фуқароси бўлган инсон тан олиниши мумкин.

Фуқароликни олишнинг ушбу икки моделига мисол қилиб Франция (республика модели) ва Германияни (этник модель) келтириш мумкин.

2. Натурализация жараёни натижасида. Бунда фуқароликка номзодга қўйиладиган муайян талабларга риоя этган ҳолда (давлат ҳудудида яшашнинг энг кам муддати², мазкур давлат фуқароси билан никоҳга кириш, тилни билиш ёки мазкур давлат белгилаган бошқа шартларга жавоб бериш) фуқаро бўлиш истагини билдирган инсон эга бўлиши мумкин.

¹ Международное публичное право: Учебник. – Т.: Zarqalam, 2003. – С. 123.

² Деярли барча давлатларда натурализациянинг муайян шартлари қонун даражасида белгиланган улардан асосийси муайян муддат давом этувчи домицилий, ёки ўтроқлик цензидир. Франция, Италия, Швеция ва АҚШда – 5 йил, Австрия ва Испанияда – 10 йил, Швейцарияда – 12 йил, ГФРда – 15 йил, Бразилияда эса – 30 йил // Арановский К.В. Государственное право зарубежных стран: Учебник для вузов. – М.: ФОРУМ – ИНФРА-М, 1998. – С. 350.

Давлат натурализация жараёнида яна икки асосий моделдан фойдаланиши мумкин¹. Биринчи – ассимиляция (Франция, Германия) моделига кўра натурализация бўлган фуқароларнинг ассимиляциясига қараб иш кўрилиши мумкин. Иккинчиси – мултимаданият (мультикультура) (Буюк Британия, Швеция) моделига кўра маданий фарқлар ҳам, икки фуқаролик ҳам сақлаб қолинишига, айнаи вақтда резидент-мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларидан бемалол фойдаланишга йўл қўйилади.

«Фуқаролик» тушунчаси билан бир қаторда «табаалик» тушунчаси ҳам ишлатилади. Келиб чиқиши русча бўлган «подданство» атамаси «находиться под данью» иборасидан келиб чиққан бўлиб, улар монархга бўйсунадиган шахслардир. Илгари бу сўз монархияга мансубликни ифодалаш учун ишлатилган. Инглиз тилида «subject» сўзи билан ифодаланади.

Ҳозирги вақтда «табаалик» атамаси, агар ҳамон ишлатилаётган бўлса, одатда «фуқаролик» атамаси билан бир хил маънога эга. Айнаи вақтда бир қатор монархияларда (масалан, Бельгия, Испания, Нидерландияда) ушбу атама конституциялар ва қонунларда умуман қўлланилмайди, у «фуқаролик» атамасига алмаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик институтидан аввал тарихан шахснинг монархга тобелигини билдирувчи табаалик институти мавжуд бўлган. «Гражданин» атамаси 1789 йилда қабул қилинган франциянинг Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида эълон қилинган ва юридик жиҳатдан мустаҳкамланган. Кейинчалик бу институт халқаро-ҳуқуқий аҳамият касб этган ва шахснинг юридик мақомини, давлатга мансублигини ифодалай бошлаган.

Шундай қилиб қуйидагиларни таъкидлашимиз мумкин:

1. «Фуқаролик» тушунчасининг илдизи қадимги юнон ва Рим тарихига бориб тақалади. У Буюк Француз инқилобидан сўнг кенг тарқалган.

¹ Батафсил маълумот учун қаранг: Европейский Союз на пороге XXI века: выбор стратегии развития / Под ред. Ю.А. Борко и О.В. Буториной. – М.Эдиториал УРСС, 2001. – 472 с.

2. «Фуқаролик» тушунчаси турли мамлакатларда уларнинг тарихий, маданий ва лисоний (лингвистик) анъаналари билан боғлиқ турли маъно жиҳатларига эга.

3. Фуқароликка эга бўлишнинг ҳуқуқий таомиллари ва амалиёти турли давлатларда турлича.

4. Фуқароликка эга бўлишнинг туғилганлик билан боғлиқ республикавий ва этник модели, шунингдек натурализация жараёни натижасида амалга ошадиган ассимиляция ва мультимаданият (мультикультура) модели маълум.

Юқорида айтилганлар фуқаролик институтининг барқарорлиги, қадимий тарихий илдизларга эгаллиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради. Айни вақтда, қадимги замондаги ва ҳозирги даврдаги фуқаролик институти ўзаро кескин фарқ қилади.

1.2. Фуқаролик концепциясининг асосий таърифлари

Турли муаллифлар фуқароликнинг ҳозирги таърифлари хусусида сўз юритиб, унинг турли жиҳатларини келтирадилар. Энг умумий жиҳати шундаки, Фуқаролик индивидуум билан давлат ўртасидаги муайян сиёсий муносабатлардир¹. Масалан, мамлакатимиз олимларининг таъкидлашича, фуқаролик жисмоний шахснинг муайян давлат билан барқарор сиёсий-ҳуқуқий алоқаси бўлиб, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгалликда намоён бўлади².

Фуқаролик инсоннинг давлат билан ҳуқуқий алоқаси бўлиб, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаб беради³. Демократик давлатда у тўла ҳуқуқли

¹ Janovitz M. The reconstruction of Patriotism. Education for Civic Consciousness. – Chicago: University of Chicago Press, 1983. – P. 98.

² Международное публичное право: Учебник. – Т.: Zarqalam, 2003. – С. 122.

³ БМТнинг Халқаро Суди Ноттебом иши бўйича чиқарган қарорда фуқаролик “ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжудлиги билан бир қаторда манфаат ва ҳис-туйғулар мавжудлигининг реал алоқасидек ижтимоий фактга асосланган” ҳуқуқий алоқа сифатида тушуниш акс этган // ICJ Reports. – The Hague: ICJ, 1955. – P. 4.

аъзоликни таъминлайди. Бу эса фуқарога давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради ҳамда давлат томонидан ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлайди. Фуқароликни бундай тушуниш борган сари кенг тус олмоқда¹. Бу таъриф фуқароликни инсоннинг давлатга мансублиги сифатида ифодаловчи илгариги таърифлардан фарқ қилади².

Фуқароликнинг барча таърифларидан фуқаролик муносабатларининг икки субъекти – Индивидуум ва Давлат мавжудлиги келиб чиқади. Бу субъектлар ўзаро қарама-қарши эмас. Мазкур муносабатларнинг муайян иерархияси мавжуд: «Фуқаролик – шахснинг муайян давлатга ҳуқуқий мансублиги. Фуқаролик туфайли инсонга давлатнинг қонунлари, белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тааллуқли бўлади»³, яъни индивидуумга муайян муносабатлар орқали бутунга – Давлатга кирадиган (у билан боғлиқ бўлган) қисм сифатида қаралади: «Фуқаролик сиёсий мансубликни, давлат тузилишида иштирок этишни билдиради»⁴.

Фуқаролик, нимададир иштирок этиш, ёхуд муайян мажмуага мансублик сифатида бошқа таърифларда ҳам мавжуд. Масалан, Фуқаролик – фуқаро ҳуқуқига эга бўлганларнинг жамоат ҳаётида иштирок этишга жалб этилганлигидир⁵.

Бинобарин, фуқароликни муносабатлар (жараён) сифатида баҳолаш мумкин: Фуқаролик асосий (фуқаровий) ҳуқуқлар амалиётини, шунингдек йўлдош (сиёсий ва ижтимоий) ҳуқуқлар амалиётини ҳам ўз ичига оладиган ноиктисодий концептдир⁶, ёхуд

¹ Black's Law Dictionary. – Minnesota: St. Paul, 1983. – P. 126.

² Бундай таъриф ҳозирги замон адабиёти ва амалиётида ҳам учрайди. Масалан, француз юристлари Н. Batiffoi ва Р. Lagorde ёзишича, юридик маънода фуқаролик “шахснинг муайян бир давлатда яшовчи аҳолига ҳуқуқий мансублигидир. Бу мансублик фуқарони ўзи мансуб бўлган давлатнинг ўзига хос шахсий юрисдикциясига бўйсундиради...” // Droit de International Private. T.1. – P., 1981. – P. 60.

³ Бояре Ю.Р. Вопросы гражданства в международном праве. – М., 1986. – С. 33.

⁴ Massimo La Torre. European identity and citizenship / Jansen T. Reflections on European Identity // http://europa.eu.int/comm/cdp/working-paper/european_identity_en.pdf

⁵ Barbalet J.M. Citizenship: Rights, Struggle and Class Inequality. – Minneapolis: University of Minnesota press, 1988.

⁶ Dahrendorf R. Citizenship and Beyond: The Social Dynamics and Idea // Social Research, – 1994. – Vol. 41. – P. 45.

Фуқаролик ахлоқ кодекси амалиёти бўлиб, Давлатнинг аралашувидек репрессив кучга қараганда кўпроқ шахсий ўзини ўзи ривожлантириш ва ихтиёрий ҳамкорликка асосланади¹. Ё бўлмаса, фуқароликни муайян аниқ мақом сифатида таърифлаш мумкин:

Фуқаролик жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоларига берилган мақомдир. Унга эга бўлган барча шахслар ушбу мақом билан таъминланадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларда тенгдирлар. Мазкур ҳуқуқ ва мажбуриятлар қандай бўлиши лозимлигини белгиловчи универсал принцип мавжуд эмас, бироқ жамиятнинг ўзи идеал фуқаролик образини яратади... Фуқаролик ҳуқуқларга эга бўлган ва умумий қонун билан ҳимоя қилинадиган эркин одамларнинг қонунга итоаткорлигидир².

Ўз мақоми туфайли фуқаро қонунда назарда тутилган барча ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда тегишли мажбуриятларга эга бўлади. Давлат фуқаронинг ҳуқуқларини таъминлайди ва ўз мажбуриятларини бажаришини назорат қилади. Фуқаро хорижда бўлганида ўз давлатининг муайян қонунига риоя этиши шарт, давлат эса унга дипломатик ҳимояни таъминлайди.

Фуқаролик ҳуқуқий тушунча сифатида индивид билан давлат ўртасидаги ҳуқуқий алоқалар мажмуини англатади ҳамда айна вақтда шахснинг муайян давлатга мансублигини кўрсатади. Шахснинг давлат билан амалий алоқасининг энг типик ва мустаҳкам тури унинг давлат ҳудудида доимий истиқомат қилишидир.

Фуқаролик институти гўёки бир бутунга бирлашган иккита ижтимоий-ҳуқуқий функцияни бажаради. Бир томондан, фуқаролик ўз давлатининг ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқи учун асос, бошқа томондан эса у давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси ҳисобланади. Фуқаролик

¹ Hayek F. Studies in Philosophy / Politics and Economics. – L.: Routledge, 1967. – P. 233.

² Marshall T.H. Class, Citizenship and Social Development. – Chicago: University of Chicago Press, 1973. – P. 105.

билан шахснинг ҳуқуқий мақоми ҳам, шахснинг давлат олдида жавобгарлигини тақозо этувчи давлат юрисдикцияси ҳам боғлиқдир.

Фуқаролик миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари бирлашадиган институтдир. Фуқаролик масалалари бўйича миллий қонунлар билан бир қаторда давлатларнинг фуқаролик масалаларини тартибга солувчи икки томонлама ва кўп томонлама битимлари ҳам мавжуд.

Фуқароликни шахснинг субъектив ҳуқуқи сифатида баҳолаш мумкин, шу маънода индивиднинг фуқароликка эга бўлиш ҳуқуқи ҳақида сўз юритишимиз мумкин. Фуқароликнинг бундай талқинига асос бўлиб 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 15-моддаси ҳамда 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 24-моддаси 3-банди хизмат қилади. Уларда мазкур ҳуқуқ аниқ белгилаб қўйилган. Бу ўринда гап шахснинг муайян давлатга нисбатан қонунда тан олинган муносабати сифатидаги фуқаролик ҳақида боради. Фуқаролик индивидда ҳар бир муайян давлат белгилаб қўйган конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларнинг борлигини англатади.

Фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси билан белгиланадиган мақомгина эмас, бу яна сиёсий ҳамжамиятга мансублик ифодаси ҳамдир¹. Иккала ҳолда ҳам фуқароликнинг таркибий қисмларидан бири бўлмиш ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақида сўз боради, яъни фуқаролик бир қанча ўлчамларга эга бўлган мураккаб концепт, деган фикрга қўшилишимиз мумкин. У иқтисодий, маданий, ижтимоий ва сиёсий элементлардан ташкил топган бўлиб фуқарони муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар, идентификация ва ижтимоий алоқалар билан таъминлайди². Фуқароликда нафақат сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар, балки шахс билан давлат ўртасида мавжуд бўлган ижтимоий, ахлоқий-маънавий ҳамда психологик муносабатлар ва алоқалар

¹ Kymlicka W., Norman W. Return to the Citizen: A Survey of Recent Work on Citizenship Theory / Bezner R. Theorizing Citizenship. – New York: State University of New York Press, 1995. – P. 301.

² Ichilov O. Patterns of Citizenship in Changing World / Ichilov O. Citizenship and Citizenship Education in Changing World. – L.: The Woburg Press, 1998. – P. 11.

ҳам жамланади. Бошқача айтганда фуқаролик шахс билан давлат ўртасидаги ҳуқуқий алоқани ифодаловчи юридик аҳамиятгагина эга бўлиб қолмасдан, балки шахснинг жамиятга мансублиги ва унинг ҳаётида иштирок этишини билдирувчи ижтимоий аҳамиятга ҳам эга.

Яққол ифодалаш учун таърифнинг қуйидаги ишчи концепциясини кўрсатишимиз мумкин. Индивидуум муайян жамоага нисбатан фуқаролик мақомига эга бўлганида муносабатларнинг икки тури қарор топади:

Биринчиси – индивидуум ўзини ушбу жамоанинг қисми сифатида биладиган ва жамоа мазкур мансубликни англайдиган муносабатлар.

Иккинчиси – тўрт (иқтисодий, маданий, ижтимоий, сиёсий) ўлчамга эга бўлган ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлар амалиёти орқали рўёбга чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар.

Шундай қилиб, бундан кейинги тадқиқотимизда Европа Иттифоқининг фуқароси бўлган тақдирда ушбу муносабатларнинг субъектлари ким (индивидуум ва жамоа) бўлишини аниқлаш мақсади қўйилади. Бу фуқароликнинг ушбу субъектлари ҳуқуқий муносабатларининг тўрт ўлчовининг расмий ифодаси ҳисобланади. Бундан ташқари индивидуум билан жамоа ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўзини идентификация қилиш ва Европа ҳамжамиятига мансублик ҳисси нуқтаи назаридан қандайлигини, шунингдек Европа Иттифоқининг фуқаролиги концепцияси қандай суръатда ва қай йўналишда ривожланиши мумкинлигини аниқлаш ҳам тадқиқотимиз мақсадини ташкил қилади.

Шундай қилиб, қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

1. Фуқаролик концепциясининг замонавий таърифлари турли жиҳатларни акс эттиради. Улар учун умумий жиҳат фуқаролик объектлари ва/ёки субъектларининг, шунингдек улар ўртасидаги муайян муносабатларнинг мавжудлигидир.

2. Тадқиқотнинг ишчи гипотезасини қуйидаги тахмин ташкил этади: индивидуум муайян жамоага нисбатан фуқаролик мақомига эга бўлган

такдирда улар ўртасида икки турдаги муносабатлар қарор топади: биринчиси – индивид ўзини ушбу жамоанинг қисми сифатида биладиган ва жамоа мазкур мансубликни англайдиган муносабатлар; иккинчиси – тўрт (иқтисодий, маданий, ижтимоий, сиёсий) ўлчамга эга бўлган ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлар амалиёти орқали рўёбга чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар.

1.3. Ҳозирги замон халқаро муносабатларида фуқароликни олиш ва йўқотиш усуллари

Ҳар бир давлат ўз суверенитетига қараб, мустақил равишда фуқароликни олиш ва йўқотиш масалаларини тартибга солади.

Фуқаролик туғилиш натижасида (келиб чиқишига кўра), натурализация йўли билан (фуқароликка қабул қилиш), халқаро шартнома асосида ва баъзи ҳолларда реинтеграция (қайта тиклаш) ва тақдим этиш йўли билан олиниши мумкин. Реинтеграция фуқароликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги ноқонуний қарорларни бекор қилиш ҳолларида бўлиши мумкин, тақдим этиш эса давлат олдидаги махсус хизматлар учун фуқаролик бериш ҳолатидир¹.

Фуқароликни олишнинг асосий усули шахс туғилиши билан фуқароликка эга бўлишидир. Бошқа усуллар анча кам учрайди. Буни тушуниш мумкин: одамларнинг аксарияти фуқароликни туғилганда олиб, ўз ҳаётлари давомида алмаштирмайдилар.

Туғилиши билан фуқароликка эга бўлиш. Фуқароликка эга бўлишнинг энг кенг тарқалган усули филиация ёки фуқароликни туғилиш орқали олишдир. Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган норма ва принципларидан келиб чиқсак, ҳар бир бола фуқароликни олиш ҳуқуқига эгадир. 1959 йилги Бола ҳуқуқлари декларациясининг 3-принципи мазмунига, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 24-моддаси 3-параграфи, 1989 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 7-моддаси 1-

¹ Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ, 2002. – Б. 122.

параграфига кўра, бола ҳеч бир ҳолда апатрид, яъни фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қолмаслиги керак.

Филиация икки принцип асосида: «қон ҳуқуқи» (*jus sanguinis*) ва «тупроқ ҳуқуқи» (*jus soli*) асосида олиниши мумкин, баъзи ҳолларда эса давлатлар қонунчилиги аралаш тизимни назарда тутди. «Қон ҳуқуқи» принципи (миллий принцип)га кўра, боланинг фуқаролиги унинг ота онасининг фуқаролиги билан белгиланади ва туғилган жойига боғлиқ бўлмайди. Европанинг кўпгина мамлакатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳам шу принципга риоя қилади¹.

«Тупроқ ҳуқуқи» принципи (худудий принцип)га кўра, фуқаролик боланинг туғилган жойига қараб белгиланади ва унинг ота-онасининг фуқаролигига боғлиқ бўлмайди. Лотин Америкасининг кўпгина давлатлари шу принципга кўра фуқароликни белгилайди.

«Тупроқ ҳуқуқи» принципи хорижий дипломатлар ва консулларнинг болаларига нисбатан кучга эга эмас. Бу 1961 йилги Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенциясига ва 1963 йилдаги Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясига оид низоларни мажбурий ҳал қилиш тўғрисидаги Факультатив протоколда назарда тутилади.

Кўпгина ҳуқуқий тизимларда аралаш никоҳда боланинг фуқаролигини унинг ота-онаси фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органларига бирга ариза бериш билан белгилайди.

Натурализация асосида фуқаролик олиш. Фуқаролик олишнинг бошқа йўли ўрнашиб қолиш деб номланувчи ёки фуқароликни натурализация тартибида олишдир. Индивидуал натурализация (аризага кўра) ва давлатларнинг ҳуқуқий ворислигига кўра натурализация қилиш маълум.

Индивидуал натурализация қатор давлатлар амалиётида баъзан қонунчилик тартибида айрим тоифадаги шахсларга нисбатан миллий, диний

¹ Международное публичное право: Учебник / Отв. ред. Х.Т. Адилкариев. – И.: Zarqalam, ТГЮИ, ЦИПЧГП, 2003. – С. 150.

ва сиёсий белгиларига кўра камситиш тусидаги турли шартлар билан чекланади. Бу нарса маълум миллатга мансублик ва келиб чиқишга оид шахсларнинг натурализациясини асослаш ёки афзал кўришда кўзга ташланади.

Натурализация тартибида фуқаролик олиш натурализация қилинаётган шахс томонидан ихтиёрий хоҳиш-иродани баён этиш актидир. Бу нарса ўз хоҳиши билан натурализация тўғрисида ариза беришда ҳамда ҳудудий ўзгаришлардаги сукутли розиликда ифода этилади. Бироқ давлатнинг розилигисиз натурализациянинг имкони йўқ. Давлатнинг ўз фуқаролигини бошқа давлат фуқаросига зўрлик билан бериш ёки апатридга йўналтирилган бир томонлама ҳаракатлари халқаро ҳуқуқ нуктаи назаридан ноқонуний (қонунга зид) ҳисобланади. Мажбурий натурализация аввал-бошданок кам аҳамиятлидир¹.

Қарийб барча давлатларда қонун чиқариш тартибида натурализациянинг маълум шартлари мустаҳкамланган. Уларнинг асосийси доимий ёки маълум муддатли ўтроқлик цензидир (Франция ва АҚШда - 5 йил, Англия ва Норвегияда - 7 йил, Испанияда - 10 йил ва ҳ.к.). Давлат билан ҳақиқий алоқа ёки ўтроқлик тўғрисидаги шарт қатор халқаро-ҳуқуқий актларда, қисман Версал тизимининг баъзи шартномалари (1919 йилдаги Нейи шартномасининг 91-моддаси, 1923 йилдаги Америка давлатлари ўртасидаги фуқаролик масалалари бўйича Вашингтон битимининг VI-моддаси)да белгиланган. БМТнинг 1961 йилги Фуқаросизликни қисқартириш тўғрисидаги конвенциясида беш йилдан ўн йилгача муддатга ўтроқ бўлишнинг афзаллиги ҳам мустаҳкамланган. Етти йил муддатли ўтроқлик чеклови Скандинавия мамлакатларининг 1969 йилги келишувида белгиланган. Бундан ташқари, муайян давлат тилини билиш, маълум ёшга кириш, яхши ахлоқ каби қатор қўшимча шартлар киритилиши мумкин.

¹ Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Darslik. – T.: Adolat, 2007. – B. 146.

Кўпгина давлатлар қонунчилиги ва амалиётида «хотин эрнинг фуқаролигини олади» деган ҳолат пайдо бўлди. 1997 йилдаги Турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги тўғрисидаги Конвенция (3-модда) ва Аёлларга нисбатан камситишнинг барча турларини йўқотиш тўғрисидаги Конвенция (9-модда)да аёл чет элликка турмушга чиқаётиб ўз фуқаролигини сақлаш ёки эркин натурализация тартибида эрининг фуқаролигини қабул қилиш ҳуқуқига эга эканлиги айтилган.

Кўпгина давлатларда натурализациянинг шарти сифатида қонунчилик тартибида давлатга содиқлик тўғрисида қасамёд қилиш назарда тутилади¹.

Шахснинг ихтиёрий танловига асосланмаган, қонун асосидаги натурализацияни ҳам таъкидлаш зарур. Кўрсатилган асосдаги натурализация фарзандликка олиш, васийлик белгилаш, оталикни тан олиш, ҳарбий ёки давлат хизматига киришнинг ҳуқуқий оқибатлари сифатида бўлиши мумкин.

Баъзи давлатларда оддий натурализациядан ташқари халқаро ҳуқуқ томонидан тартибга солинмайдиган қайд этиш тартибидаги фуқаролик олиш ҳам айрим давлатларнинг қонунчилигида назарда тутилган.

Асосан оддий қоидалардан иборат бўлган фуқаролик тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг масаласи, айтиб ўтилганидек, давлатнинг суверен азми-ихтиёри соҳаси ҳисобланади. Ички юрисдикцияни сақлаш ҳукуматнинг аҳолининг қонунга риоя қилишига таяниш заруратига мос келади: давлатлар уларнинг фуқаролари бўлган ёки қандай бўлишини хоҳловчи шахслар билан сиёсий-ҳуқуқий алоқалар мавжудлигини таъминлашда эркин бўлишлари керак. Бунда фуқаролик соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий андозалар давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципи билан биргаликда ривожланиши лозим. Бироқ, фуқаролик каби масалалар давлатнинг бошқа давлатларга нисбатан олган мажбуриятининг предмети бўлиши мумкин ва шунинг учун ҳам бу давлатнинг қатъий ўз иши бўлмай

¹ Очилов Б.Э. Территория и население в международном праве: Учебное пособие. – Т.: ВШСАиП, 2004. – С. 44.

қолади. Бундай ҳолларда давлатнинг белгиланган тарзда ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга ёки эга эмаслиги халқаро характерга эга бўлади. Бундан ташқари, фуқаролик олишнинг жуда чекланган ички тартибга солиниши халқаро ҳуқуққа зид келади деб баҳоланиши мумкин.

Халқаро шартномалар асосида фуқаролик олиш ва алмаштириш. Баъзи ҳолларда улар тинчлик шартномалари, ҳудудий масалалар бўйича махсус келишувлар чоғида содир бўлади: икки ёки бир неча давлатларнинг бир давлатга бирлашиши натижасида янги давлат пайдо бўлиши (масалан, ГДР ва ГФРнинг бирлашиши) ёки бир давлатнинг бўлиниши ва бир қанча янги давлатларнинг пайдо бўлиши (масалан, ССРИнинг тарқаб кетиши)¹.

Шундай қилиб, ҳуқуқ ворислиги туфайли фуқароликни олиш халқаро ҳуқуқнинг янги субъекти пайдо бўлиши натижасида вужудга келиши мумкин. У коллектив натурализациянинг кўриниши эмас. Бундай ҳолларда у ёки бу шахснинг ўзини маълум йўсинда тутиши шунда изоҳланадики, у халқаро ҳуқуқнинг янги субъекти ҳудудида бўлишини давом эттиради ва ўзининг янгидан пайдо бўлган фуқаролигидан чиқиш нияти тўғрисидаги масалани ўртага ташламайди.

Фуқароликни олиш: репатриация тўғрисида битимлар тузиш; ҳудуднинг бир қисми бир давлатдан бошқа давлатга ўтишида (цессия) ҳамда ҳудуднинг маълум участкаларини чегарадош давлатлар ўртасида алмашиш чоғида; фуқароликни эркин танлаш (оптация) ва унинг автоматик ўзгариши (трансферт) чоғида; ҳудудий ўзгаришлар чоғида бўлиши мумкин. Оптация вақтида аҳоли индивидуал тартибда фуқаролик танлаши мумкин. Бунда оптант ўзи танлаган давлат ҳудудида яшашни назарда тутиши зарур. Амалиёт оптация, одатда, никоҳ, икки фуқароликни бекор қилиш чоғида содир бўлишидан гувоҳлик беради².

¹ Одилокorieв Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ, 2002. – Б. 125-126.

² Международное публичное право: Учебник / Отв. ред. Х.Т. Адилкариев. – И.: Zarqalam, ТГЮИ, ЦИПЧГП, 2003. – С. 152.

Нисбатан кам учрайдиган трансфертда бир давлатдан бошқасига ўтаётган ҳудуд аҳолиси шунга мувофиқ тарзда, унинг розилигига қарамай, бир фуқароликдан бошқасига ўтади.

Фуқароликни йўқотиш қуйидаги ҳолларда содир бўлади:

- а) фуқароликдан ўз хоҳиши билан чиқиш натижасида (экспатриацияда);
- б) денатурализация, яъни давлат натурализация қилган фуқаролардан фуқароликни мажбурий олиб қўйганда;
- в) халқаро шартнома шартлари асосида;
- г) никоҳдан ўтиш, фарзандликка олиш ва бошқалар билан боғлиқ ҳолдаги натурализация ҳолатида фуқаролик алмашиш чоғида¹.

Экспатриация, яъни ўз хоҳиши билан фуқароликдан чиқиш эркин ва рухсатли бўлади. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг кўпгина давлатларида у тақиқланмаган. Шунда ҳам халқаро ҳуқуқ ва давлат ҳуқуқида фуқаронинг ўз давлатига нисбатан яхши муносабатда бўлишини олдиндан белгиловчи принцип ўрнашиб қолган бўлса-да, фуқароликдан чиқишдаги қатъий чеклашлар фақат уруш даврида киритилади. Шахснинг экспатриацияга бўлган ҳуқуқи 1966 йилги фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 12-моддасидан келиб чиқади. Фуқароликдан ўз хоҳишига кўра чиқиш эркинлиги оптация тартибини белгиловчи бир қатор шартномаларда мустаҳкамланган.

Фуқароликдан чиқишга рухсат бериш тизими давлат ваколатли органининг манфаатдор шахс аризасига кўра қабул қилган қарори асосида фуқароликнинг тўхтатилишидир. У дунёнинг кўпгина давлатларида белгиланган. Бунда баъзи давлатлар шахснинг янги фуқаролик олишини талаб қилади.

Бипатридларнинг фуқароликдан чиқиш эркинлиги 1930 йилги Гаага конвенциясининг 6 ва 7-моддалари ва 1963 йилги Кўп фуқароликка эга

¹ Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Darslik. – T.: Adolat, 2007. – B. 148.

бўлиш ҳолларини камайтириш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 2-моддасида мустаҳкамланган.

Денатураллашиш кўпгина давлатларда асосида натурализация қилинган шахс билан унга фуқаролик берган давлат ўртасидаги алоқанинг йўқолиши принципи ётадиган махсус давлат ички ҳуқуқий актларига кўра амалга оширилади.

Қонун йўли билан мажбурий тарзда фуқароликдан маҳрум қилиш, иши юзасидан ҳеч қандай тайёргарликсиз кўпинча чет элда номаълум муддатда узоқ вақт бўлиш, айниқса, аввалги фуқаролиги бўлган давлатда бўлиши сабабли амалга оширилиши мумкин. Натураллашиш чоғида нотўғри маълумотлар бериш, фуқаролик мажбуриятларини кўпол равишда бузиш ва бошқалар денатураллашишга сабаб бўлиши мумкин. Денатураллашиш Канада, Ирландия, Судан, Венесуэла, Болгария қонунчилигида мавжудлиги маълум¹.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида фуқароликдан маҳрум этиш масалалари нисбатан кам ишланган. 1961 йилдаги Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги Конвенциянинг 8-моддасида, агар маҳрум этиш уларни апатрид қилиб қўядиган бўлса, давлатларнинг шахсларни фуқароликдан маҳрум этмаслик мажбурияти мавжуд. Шу билан бирга, бу норма умум эътироф этилмаган.

Фуқароликдан маҳрум этиш давлатдаги олий мансабдор шахснинг (масалан, президент), давлат ҳокимияти олий органининг қарори ёки суд ҳукмига кўра содир бўлиши мумкин.

¹ Очилов Б.Э. Территория и население в международном праве: Учебное пособие. – Т.: ВШСАиП, 2004. – С. 46.

2 – БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИДА ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТИНИНГ МАЗМУНИ ВА ҲАРАКАТ ДОИРАСИ

2.1. Ҳозирги замон халқаро муносабатларида кўпфуқаролик ва фуқаросизлик масалалари

Икки фуқаролик (бипатризм) – шахснинг икки ёки ундан ортиқ давлатнинг қонунлари асосида ушбу давлатларнинг фуқароси эканлигидан далолат берувчи ҳуқуқий ҳолатидир. Бошқача айтганда, кўпфуқароликка эга бўллиш фақатгина турли давлатларнинг миллий қонунчилиги нормаларига кўра амалга оширилади.

Кўпфуқаролик кўйидаги ҳолларда пайдо бўлади:

- а) ҳудудий ўзгаришларда;
- б) аҳоли миграциясида;
- в) фуқаролик олиш тўғрисидаги қонунларни қўллашда зиддият (коллизия) мавжуд бўлган ҳолларда;
- г) аралаш никоҳ ва фарзандликка олиш натижасида;
- д) натурализация чоғида, агар бошқа мамлакат фуқаролигини олаётган шахс ўзининг аввалги фуқаролигини йўқотмаса ва бошқ.¹

Маълум ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва бошқа сабабларга кўра икки фуқаролик институти дунёнинг қатор давлатлари, масалан, Англия, Арманистон, Бангладеш, Белорусия, Германия, Исроил, Россия, Франция ва Лотин Америкасининг баъзи мамлакатларида тан олинади². Кўпфуқаролик, бир томондан, давлат учун маълум ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий афзалликлар яратса, иккинчи томондан, индивиднинг ҳуқуқий мақомини тартибга солишнинг қулайлигини бузади ва жамиятдаги бошқа

¹ Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Darslik. – T.: Adolat, 2007. – B. 149.

² Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ, 2002. – Б. 128.

шахсларнинг бипатридлар билан муносабатларида салбий акс этиши мумкин. Бипатрид ўзи фуқароликка эга бўлган давлатларнинг қонунларига асосан ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир. Бир вақтнинг ўзида, у икки томонлама мажбуриятларга ҳам эга бўлади. Бундай ҳуқуқий муносабатлар доирасида коллизиялар пайдо бўлиши мумкин. Бу эса ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий характердаги давлатлараро муаммоларга олиб келади. Кўпинча бипатрид унга фуқаролик берган давлатларнинг ҳар иккаласига нисбатан ўз мажбуриятларини тенг равишда бажара олмайди. Бу билан у мажбуриятларини камроқ бажарган давлатни камситади. Ўз навбатида, бу давлатлардан бири бипатриднинг ўзини камситиши мумкин.

Халқаро амалиётда кўпфуқароликка нисбатан мана бундай ёндашувларни кўриш мумкин: икки фуқароликни тақиқлаш; икки фуқароликни тан олиш; икки фуқароликка рухсат бериш¹. Шунга кўра, халқаро амалиётда икки фуқароликка оид шартномаларнинг уч хили фарқланади.

Биринчиси – икки фуқаролик масалаларини тартибга солишга қаратилган шартномалар.

Иккинчиси – икки фуқароликни тугатишга қаратилган шартномалар.

Учинчиси – икки фуқароликнинг оқибатларини бартараф қилиш (дипломатик ҳимоя ёки ҳарбий хизмат муносабати билан)га қаратилган шартномалар². Улар 1930 йилдан фуқаролик тўғрисидаги қонунлар коллизациясига тегишли баъзи масалалар тўғрисидаги кўп томонлама Гаага конвенцияси, 1963 йилги фуқароликнинг кўплигини камайтириш тўғрисидаги Европа конвенциясининг қатор қоидаларини ўз ичига олади.

Халқаро ҳамжамият халқаро ҳуқуқнинг қуйидаги ҳуқуқий механизмларини қўллаш йўли билан кўпфуқароликни бартараф этиш

¹ Очиллов Б.Э. Территория и население в международном праве: Учебное пособие. – Т.: ВШСАиП, 2004. – С. 47.

² Международное публичное право: Учебник / Отв. ред. Х.Т. Адилкариев. – И.: Zarqalam, ТГЮИ, ЦИПЧГП, 2003. – С. 158.

масалаларини еча олади ва ечмоқда: янги фуқаролик олиш вақтида биринчисини йўқотиш; «*jus soli*» принципи ҳаракатининг истиснолари; нотацциялар; индивидда бўлган фуқароликнинг биридан ўз хоҳишига кўра воз кечиш ва бошқ.¹

Миллий ҳуқуқий нормалар ҳам халқаро-ҳуқуқий воситаларнинг аҳамиятини истисно қилмасдан бипатризмни бартараф этишнинг баъзи йўллари назарда тутати. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: оптация; «қон ҳуқуқи» бўйича ватан билан ҳақиқий алоқани узган мигрантларнинг болаларига ота-онасининг фуқаролигини бериш; аралаш никоҳда отанинг фуқаролигини олиш ва бўлак яшаш ёки ажралишда онанинг фуқаролигини олиш ва бошқалар.

Кўпгина давлатларнинг қонунчилигида кўпфуқароликни тан олмаслик принципи бекорга мустаҳкамлиланмаган. Албатта, бу фақат унинг ҳуқуқий оқибатларини билдиради, шунга қарамасдан бу принцип бевосита 1930 йилги Гаага конвенциясининг 3-моддасидан келиб чиқади. Шу билан бир вақтда, давлат томонидан кўпфуқароликни тан олмаслик принципини тақиқловчи ёки ҳеч бўлмаса чекловчи умум эътироф этилган халқаро норма мавжуд эмас.

Фуқаролиги бўлмаган (апатрид) шахснинг шундай ҳуқуқий ҳолати намоён бўладики, унда шахс ҳеч бир давлатнинг фуқаролигида бўлмайди².

Турли ҳуқуқ тизимларида «фуқаролиги бўлмаган шахс» атамаси турлича талқин этилади.

Фуқаросизлик таърифи 1994 йил 28 сентябрда Нью-Йоркда қабул қилинган апатридлар мақоми тўғрисидаги Конвенциянинг 1-моддасида берилган. Унда: «Шу конвенцияда «апатрид» деганда бирор-бир давлатнинг қонунига кўра ушбу давлатнинг фуқароси бўлмаган шахс назарда тутилади», дейилади. Бу таърифда «фуқаро» атамаси давлат томонидан фуқаролик берилган шахсларга тегишлидир.

¹ Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ, 2002. – Б. 129.

² Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Darslik. – T.: Adolat, 2007. – B. 151.

1961 йилда БМТ доирасида «Фуқаросизликни қисқартириш тўғрисида»ги Конвенция қабул қилинди. У апатридларнинг давлат фуқаролиги, доимий яшаш жойи олишлари учун қулай шароит яратиш ва шахснинг экспатриация пайтида апатрид мақомини олиш имкониятини истисно қилишга қаратилган эди (1975 йил 31 декабрда кучга кирган). Конвенция мазмунига кўра, апатридларнинг болалари туғилган жойлари бўйича, яъни «замин ҳуқуқи» бўйича фуқаролик олишлари зарур. Конвенция давлатларга ҳудудий ўзгаришлар чоғида шартномаларда фуқаросизлик пайдо бўлмаслиги учун кафолатларни назарда тутишни тавсия этади.

Фуқаросизлик қуйидаги ҳолларда пайдо бўлиши мумкин:

а) бирор давлат шахсни ўз фуқаролигидан маҳрум этса ва унга тезда бошқа давлат фуқаролигини олиш имкони берилмаса;

б) фуқароликни йўқотишда, агар бу шахс ўз хоҳиши билан ўз давлати фуқаролигидан чиқса ва бошқа давлатда фуқаролик олмаса;

в) аёл кишининг никоҳга кириши сабабли фуқаролиги ўзгарса ва фуқароси бўлган давлат қонунчилигида унинг чет эллик билан никоҳдан ўтиши билан ўз-ўзидан аввалги фуқаролигини йўқотиши назарда тутилган бўлса;

г) территориал ўзгаришлар оқибатидаги маълум ҳолларда¹.

Фуқаролиги йўқ шахсларга улар яшаб турган давлатнинг юрисдикцияси тўлиқ жорий қилинади.

Апатризм, ўз-ўзидан маълумки, фуқаролиги йўқ шахс билан давлат ўртасидаги мустаҳкам сиёсий-ҳуқуқий алоқа мавжудлигини истисно қилади ва шахс учун ҳам, давлат учун ҳам салбий ҳолатни билдиради. Апатридлар, аввало, сиёсий ҳуқуқларда чекланадилар. Бундан ташқари, улар бирор-бир давлатнинг дипломатик ҳимоясига даъво қила олмайдилар.

¹ Международное публичное право: Учебник / Отв. ред. Х.Т. Адилкариев. – И.: Zarqalam, ТГЮИ, ЦИПЧГП, 2003. – С. 160.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки апатризм ва бипатризм халқаро муносабатларда мавжуд бўлган салбий ҳолатдир. Айрим давлатлар томонидан бипатризм олинсада, бироқ халқаро ҳамжамият бу воқеликни камайтириш ёхуд умуман кугатиш йўлидадир. Апатризм бу барча давлатларнинг миллий қонунчилигида белгиланган воқелик бўлсада, шахс ва давлат ўртасида доимий алоқаларни ўрнатишга салбий таъсир кўрсатувчи омилдир.

2.2. Ягона фуқаролик концепциясининг келиб чиқиши ва Европа Иттифоқи фуқаролигининг моҳияти

Европа Иттифоқи фуқаролиги ғояси янги эмас, бу концепциянинг тарихи 1957 йилдаги Рим шартномаларига бориб тақалади, унинг юридик расмийлашуви эса дастлабки шартномалар томонидан кафолатланган соф иқтисодий йўналишдаги ҳуқуқлардан (масалан, кўчиш ва бошқа давлатларга ўтиш эркинлиги каби ҳуқуқлардан) Европа Иттифоқи аъзолари бўлган давлатлар фуқароларини уларнинг ходим сифатидаги функционал мақомидан ҳуқуқий ҳимоя қилишни ажратиш орқали ўтади.

1957 йилда Рим шартномасидан кейин «Европа кишилари ўртасидаги иттифок»ни қуришга кўплаб қарорлар ва ҳисоботлар бағишланди. Жумладан, Европа фуқароларидан Европа Иттифоқи фуқаролигига боришдаги муҳим қадамлар сифатида қуйидагиларни эслатиб ўтишимиз мумкин: вакиллик демократиясининг бўлинувчи фуқаролик ҳуқуқлари ва қонуннинг устуворлигига қадриятларига ҳавола этувчи Европа айнанлиги тўғрисидаги 1973 йилги Копенгаген декларацияси. 1975 йилда қабул қилинган Тиндеман ҳисоботи¹.

¹ Strudel S. The Making Of European Citizens / European Migrants As Voters Institut d'Etudes politiques de Lille // CRAPS (C.N.R.S. E.S.A.n8026). – 2001. – April. – P. 44.

1984 йилда Европа Кенгашининг Фонтенбло шахрида учрашган бошлиқлари бу жараёнга жалб этилган одамларнинг Европага айнанлигини тан олиш асосида Европа конструкцияларини ривожлантиришнинг муҳимлигига эътиборларини қаратдилар. Ҳамжамиятнинг ҳуқуқий ҳужжатларида акс этган умумий қадриятларнинг қабул қилиниши бу жараённинг самарадорлигини оширишга олиб келиши мумкин бўларди.

Бундай самарага эришиш учун зарур чораларни ишлаб чиқиш учун яратилган (*ad hoc* қўмиталардан бирининг президенти номига шундай деб аталган) Adonnino ҳисоботида аъзо-давлатлар фуқаролари ва Ҳамжамият ўртасида сиёсий алоқалар ўрнатиш учун асосий бўлиб қолган баъзи кўрсаткичлар (индикаторлар), шунингдек Европа айнанлигига реал шакл – байроқ, гимн, умумий телевизион макон, спорт командалари ва ҳ.к. – бериш борасидаги аниқ ташаббуслар¹.

Сўнгра раислик қилувчи Испаниянинг таклифига кўра, 1990 йилда Европа Иттифоқи фуқаролиги масаласи Маастрихт Шартномасини тайёрлаш чоғида муҳокамага киритилди ҳамда шу ерда у қонуний шаклга кирган ва мустаҳкамланган концепция сифатида илк бор пайдо бўлди.

Умумий ташқи сиёсат ва хавфсизлик сиёсати ҳамда ички ишлар соҳасидаги ҳамкорлик шакллари билан тўлдирилган Европа Ҳамжамиятига асосланган Европа Иттифоқи Аъзо-давлатлар ва уларнинг халқлари ўртасидаги муносабатларни уюштириш учун 1992 йил 7 февраль куни Маастрихтда имзоланган шартнома асосида ташкил қилинди². Айни вақтда Иттифоқ Аъзо-давлатларнинг миллий ўзлигини ҳурмат қилади³.

Иттифоқнинг вазифаларидан бири аъзо давлатлар фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоясини Иттифоқ фуқаролигини жорий этиш орқали кучайтиришдир⁴. Иттифоқ мақсадларига эришиш учун умумий (ягона)

¹ Painter J. Multi-level Citizenship, Identity and Regions. – Durham: Contemporary Europe Department of Geography University of Durham, 1989. – DH1 3LE.

² Ст. 1 Соглашения о Европейском Союзе. – М.: Прогресс, 1996.

³ Ўша жойда. – 6.3-модда.

⁴ Ўша жойда. – 2-модда.

институционал тузилма¹ мавжуд, Европа парламенти, Кенгаш, Комиссия, Суд ва Аудиторлар палатаси ўз ваколатларини Шартномалар қоидаларида назарда тутилган шартлар асосида ва мақсадларга мувофиқ амалга оширадилар².

Шундай қилиб, Иттифоқ фуқароликка нисбатан халқаро-ҳуқуқ субъекти сифатида кўриниши мумкин бўлмаган институционал тузилмадир. Бинобарин, «Иттифоқ фуқаролиги» тушунчаси фуқаролик деганда инсон билан давлат ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар тушуниладиган фуқаролик тўғрисидаги Европа Конвенцияси киритган концепцияга мувофиқ кўрилиши мумкин эмас, чунки Европа Иттифоқи давлат ҳисобланмайди.

Ишчи концепцияга қайтган ҳолда шуни аниқлашимиз мумкинки, умумий фуқаролик муносабатларининг субъектларидан бири институционал тузилма – Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартномага асосланган Европа Иттифоқи ҳисобланади.

Европа Иттифоқи фуқаролиги муносабатларининг иккинчи субъекти хусусида Шартномада Аъзо-давлат фуқаролигига эга бўлган ҳар бир шахс Иттифоқ фуқароси ҳисобланиши айтилган. Айтилган вақтда Иттифоқ Фуқаролиги миллий фуқароликнинг ўрнини босмайди, балки уни тўлдиради³. Яъни Аъзо-давлат фуқароси, бинобарин, Иттифоқ фуқароси ким деган саволни ҳал қилиш ушбу давлатнинг суверен ваколати бўлиб қолаверади. Мазкур ваколатни давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ амалга оширади.

«Аъзо-давлат фуқаролиги тўғрисида»ги декларация Аъзо-давлат фуқаролиги тўғрисидаги шартномада эслатиб ўтилган ҳар қандай ҳолда индивидуумнинг мазкур фуқароликка эгалиги ушбу аъзо-давлатнинг фуқаролиги билан белгиланади, ёхуд Аъзо-давлатлар махсус декларация

¹ Ст. 3 Соглашения о Европейском Союзе. – М.: Прогресс, 1996.

² Ўша жойда. – 5-модда.

³ Ст. 17 Договора об учреждении Европейских Сообществ. – М. Норма, 1991.

билан ким Ҳамжамият мақсадлари учун ушбу мақсадларга мувофиқ амалга оширишини хабар қилиши мумкин.

Мазкур принцип илк бор Европа Судининг *Micheletti* (7.07.1992 даги С396/90) иши бўйича чиқарган қарорида қўлланилган. Ушбу ҳолда иккита – ЕИга Аъзо-давлат (Италия) ва бошқа мамлакат (Аргентина)нинг фуқаролигига эга бўлган шахс бошқа Аъзо-давлат (Испания)га нисбатан ЕИ фуқароси мақомига эга эканлиги тан олинган.

1997 йилда имзоланган Амстердам шартномаси 17-моддани янги таҳрирда ўзгартирган: «Ушбу шартнома билан Иттифок фуқаролиги ўрнатилади. Аъзо-давлат фуқаролигига эга бўлган ҳар ким Иттифок фуқароси ҳисобланади. Иттифок фуқаролиги аъзо-давлат фуқаролигининг ўрнини босмайди, балки унинг ўрнини тўлдиради». Иттифок фуқаролиги ва аъзо-давлатнинг миллий фуқаролиги айнан бир нарса эмаслиги тушунарли. Иттифок фуқаролиги миллий фуқароликка субсидиардир. Формал жиҳатдан, Европа Иттифоқининг фуқаролиги институтини бу тариқа миқдор жиҳатдан қайд этиш энг тўғри йўл бўлади.

Шундай қилиб, Европа Иттифоқи фуқаролиги Аъзо-давлат фуқаролиги орқали жорий этиладиган махсус мақом ҳисобланади. Мазкур мақомнинг олиниши ва йўқотилиши турли хил аъзо-давлатлар фуқаролари учун тартиби бўйича фарқ қилади ва фақат ушбу мамлакатларнинг миллий қонунларида белгиланади.

Бинобарин, Шартномага мувофиқ, Аъзо-давлат фуқаролигига эга бўлмаган шахс Европа Иттифоқининг фуқаролигига эга бўла олмайди. Айни вақтда ушбу қоида иккала имкониятдаги ҳолда амал қилиши мумкин:

1. Аъзо-давлат фуқароси бўлмай туриб ЕИ фуқароси мақомини олиб бўлмайди (Шартномага бевосита ҳавола).

2. Аъзо-давлат фуқаролигини йўқотган шахс ЕИ фуқаролиги мақомини ҳам йўқотади (ЕИ Шартномасининг 17.1 моддасига асосланган ҳуқуқни қўллаш амалиёти).

Шубҳасиз, Иттифоқ фуқаролиги Аъзо-давлат фуқароларига уларнинг макондаги имкониятлари кенгайиши билан боғлиқ сифат жиҳатдан янги ҳуқуқларни беради. Яна бир жиҳати муҳим: фуқаролик тўғрисидаги қоидаларда Иттифоқ ва фуқаролар ўртасида бевосита алоқа ўрнатилади. Европа Иттифоқининг фуқаролиги институти – нафақат давлатлар, балки халқлар, одамлар бирлашмасининг иттифоқини тузиш ғоясининг ифодасидир. Европа Иттифоқининг фуқаролиги мафкуравий аҳамиятга эга¹.

Европа Иттифоқининг фуқаролиги – ноодатий ҳодиса. Ўз фуқаролигига эгалик ЕИга давлатчилик белгиларини бағишлайди. Муаммонинг мураккаблиги яна шундаки, халқаро иқтисодий ташкилотлар асосида тузилган давлатлар бирлашмасининг фуқаролигини жорий этиш тажрибаси ҳеч қачон ҳеч кимда бўлмаган. Европа Иттифоқида бу илк бор юз берди. Айнан шу боис ушбу ҳодисани кўриб чиқишда қандайдир тугалланмаганлик сезилади. Бу таърифнинг зиддиятли эканлигида, Европа Иттифоқи фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган аниқ рўйхатнинг йўқлигида, фуқаролик ҳақидаги қоидаларни амалга оширишда юзага келадиган қийинчиликларда кўринади. Аммо бу «тугалланмаганлик» Европа Иттифоқи қонунчилигида ушбу институтнинг янада ривожлантирилиши истикболлари ҳақида сўз юритишга сабаб бўлади. Европа Иттифоқи фуқаролиги шаклланиш ҳолатидадир.

Шундай қилиб, таъкидлаш мумкинки, Европа Иттифоқи фуқаролигининг жорий этилиши Европа Ҳамжамияти, сўнгра Европа Иттифоқини ташкил этиш давомида Европа интеграцияси доирасида амалга оширилаётган изчил ва мақсадга қаратилган фаолиятнинг натижасидир; Европа Иттифоқи фуқаролиги институционал хусусиятга эга; Европа Иттифоқи фуқароси мақомига эга бўлиш ва уни йўқотиш тартиби (таомили) турли Аъзо-давлатларда турлича бўлиб, уларнинг миллий қонунлари билан

¹ Калиниченко П.А. О гражданстве Европейского Союза // Московский журнал международного права. – М., 2000. – № 3. – С. 49.

белгиланади. Европа Иттифоқи аъзо-давлатининг фуқароси бўлмай туриб, Европа Иттифоқи фуқароси бўлиш мумкин эмас.

Европа Иттифоқи фуқаролиги билан боғлиқ асосий муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. *Европа Иттифоқи фуқароларини легал камситиш.* Европа Иттифоқи фуқароларининг ҳуқуқларини ижро этиш ва ҳимоялаш билан боғлиқ мажбуриятлар юклатилган муассасаларга татбиқан, ҳуқуқларнинг учта асосий турини ажратиш мумкин:

1) Европа Иттифоқи институтларига нисбатан ҳуқуқлар;

2) миллий давлат муассасаларига нисбатан Иттифоқ ҳуқуқларига бўйсунитдан келиб чиқувчи ҳуқуқлар;

3) Иттифоқ ҳуқуқларига бўйсунитдан келиб чиқадиган ўзиникидан бошқа аъзо-давлат муассасаларига нисбатан ҳуқуқлар.

Миллий давлатларнинг ажнабийларни камситиш, яъни уларнинг ҳуқуқлари ўз фуқаролариникига қараганда чекланганлигини эътироф этиш ҳуқуқи халқаро ҳуқуқда маъқулланган бўлиб, ҳозирги замон давлати суверенитетининг ажралмас элементиدير. Бу ҳуқуқ бекор қилинмади, аммо чекланди: «Шартномани қўллаш доирасида ... фуқаролик белгиси бўйича ҳар қандай камситиш тақиқланади»¹. Гарчи «Шартномани қўллаш ҳажми» борган сари кенгайиб борган бўлса-да, Шартнома билан умуман боғлиқ бўлмаганлиги сабабли, улкан соҳалар у билан тартибга солинмай қолмоқда. Ушбу соҳаларда аъзо-давлатларнинг фуқаролари ўзиникидан бошқа аъзо-давлатларнинг ҳаммасида ажнабийлигича қолмоқдалар².

Буни ЕИ фуқаролиги жорий этилиши йўлидаги биринчи муаммо деб аташ мумкин. Сўнгра, Европа Иттифоқи фуқаролиги концепциясининг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган ҳамда аъзо-давлат фуқаролиги билан чамбарчас боғлиқ муаммолар ҳақида сўз юритганда апатридлар, бипатридлар ва Европа Иттифоқининг бирор бир аъзо-давлатининг фуқароси бўлмаган

¹ Ст. 12 Договора об учреждении Европейских Сообществ. – М. Норма, 1991.

² Пройс У.К. О концепции Европейского гражданства // <http://www.hrights.ru/text/b8/Chapter8.htm>

фуқароларининг оила-аъзолари мақомини эслаб ўтиш мумкин. Шу туфайли улар Европа Иттифоқи фуқароларига нисбатан бошқа аъзо-давлатларга бўлган муносабатда, ҳатто улар жойлашган давлатда легал ҳуқуқларга эга бўлсалар-да, ҳуқуқлари жиддий чеклангандир.

Шундай қилиб, Европа Иттифоқи фуқаролигининг Европа Иттифоқида Аъзо-давлат фуқаролиги билан чамбарчас боғлиқлиги Европа Иттифоқи фуқароларининг уларнинг фуқаролигидан фарқ қилувчи Аъзо-давлатларда ҳуқуқий камситилишларга олиб келмоқда; Европа Иттифоқи фуқаролигининг Европа Иттифоқи аъзо-давлати фуқаролиги билан чамбарчас боғлиқлиги Европа Иттифоқи фуқароси бўлмаганларнинг уларнинг фуқаролигидан фарқ қилувчи Аъзо-давлатларда ҳуқуқий камситилишларга олиб келмоқда.

Фуқаролик ва субсидиарлик принципи. Европа Иттифоқи фуқаролигининг бошқа бир муаммоси Европа Иттифоқи фуқаролиги концепциясига нисбатан субсидиарлик принципи билан боғлиқ. Шундай қилиб, субсидиарлик деганда қарорлар қабул қилиниши ҳамда ушбу қарорлар бажарилишининг максимал самарадорлигини ва ушбу муносабатларнинг амалга оширилишини таъминловчи даражада сиёсий-ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш тушуниладиган бўлса, миллий давлатнинг унинг минтақалари ва Европа Иттифоқининг аъзо-давлатларига нисбатан субсидиарлигининг табиати ўзаро фарқ қилади¹.

Масалан, одатда миллий давлатда даража ўзгарганида, яъни ҳуқуқий ваколат миллий даражадан минтақавий ёки муниципал даражага ўтказилганида фуқаролик ҳуқуқлари соҳасидаги ушбу ҳуқуқий ваколат сифати ўзгармайди, яъни масалан, Испания фуқароси Валенсия минтақаси ҳокимиятига нисбатан қандай ҳуқуқларга эга бўлса, Галисия минтақаси ҳокимият идораларига нисбатан ҳам шундай ҳуқуқларга эга бўлади.

¹ Никитина О.А. Гражданство Европейского Союза и гражданство государств-участников: соотношение международно-правовых категорий // Вестник Московского университета. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2000. – № 3. – С. 98.

Айни вақтда ҳуқуқий ваколатларни Европа Иттифоқи даражасидан миллий давлат даражасига ўтказиш чоғида ушбу ваколат тубдан ўзгаради. Бу гап Европа Иттифоқи фуқароси ўзи жойлашган ва бевосита Европа Иттифоқи институтлари субъекти бўлмаган мамлакатдаги фуқаро эга бўлган аксарият (иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий) ҳуқуқларни имплементация қилишга ҳам тааллуқлидир¹.

Аъзо-давлатлар қонунларини яқинлаштириш Европа Иттифоқининг Шартномада ёзиб қўйилган мақсадларидан бири ҳисобланади. Шартномада мазкур мақсадни амалга оширишнинг муайян механизмлари ҳам назарда тутилган². Бироқ илгаригидек миллий қонунларнинг уйғунлашувига эришиш Европа Иттифоқининг истиқболи эканлигича қолмоқда.

Шундай қилиб, субсидиарлик принципи амал қилиши сабабли, Европа Иттифоқи фуқаролари турли аъзо-давлатларга жойлашишда турли ҳуқуқларга эгадирлар, яъни Европа Иттифоқи фуқаросининг ҳуқуқларини амалга оширишга нисбатан қарор қабул қилиш даражасининг супрамиллийдан миллийга ўзгариши ушбу ҳуқуқларнинг амалга оширилиш натижасига муҳим фарқ киритади; Европа Иттифоқи фуқаролигини бирхиллаштиришга ё фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари соҳасидаги миллий қонунларни бирхиллаштириш орқали, ё ушбу ҳуқуқлар ижросига нисбатан субсидиарлик принципини (барча ваколатларнинг Европа Иттифоқи институтларига ўтказилишини) бекор қилиш орқали эришиш мумкин.

Регионализм, миллатчилик ва Европа Иттифоқи фуқаролиги. Қанчалик ғайритабiiй туюлмасин, бироқ Евробарометр ўтказган ижтимоий тадқиқотлар доирасида олинган охириги маълумотларга кўра, Европа Иттифоқи доирасида интеграция жараёнларининг кучайиши айни вақтда минтақачилик (регионалистик) ва «кичик миллатчилик» тамойилларининг

¹ Васильева Т.А. Эволюция института гражданства Европейского Союза // Государство и право. – М.: Наука, 2007. – № 12. – С. 26.

² Ст.ст. 94-97 Договора об учреждении Европейских Сообществ. – М. Норма, 1991.

кучайишига ҳам имкон яратади. Бундан буён «кичик миллатчилик»¹ деганда этник камчилик (масалан, Испаниядаги басклар)нинг миллатчилик интилишлари, «катта миллатчилик» деганда эса этносни ташкил этувчи давлат миллатчилиги (Франциядаги французлар) тушунилади.

Айни вақтда минтақалардан бирида яшовчи аҳолининг ўзлигини англаши этник эмас, балки қандайдир бошқа белги бўйича юз берганида «кичик миллатчилик»ни регионализмдан фарқлаш лозим. Ҳолбуки, минтақавий идентификациянинг этник белгиси миллатчилик тамойилининг ривожланишига энг кўп ёрдам беради. Аксарият ҳолларда у бошқа, масалан – лингвистик (басклар, бретонлар, фризлар ва ҳ.к.), диний (Ирландиянинг протестантлик ва католик жамоалари), сиёсий-иқтисодий-ижтимоий (Фламандлар ва Валлонлар), тарихий ва маданий (Шотландия, Каталония) каби белгилари билан ҳам кечади. Яъни бирор минтақа аҳолисининг ўзлигини англаши миллий давлат доирасидаги ўзлигини англашдан устун бўлишидан иборат тамойил кузатилмоқда (яъни инсон ўзини испанияликдан кўра аввалроқ каталониялик ёки французлигидан аввалроқ бретониялик сифатида англайди)².

Дарҳақиқат, агар минтақаларнинг миллий давлат доирасидаги ўзаро муносабати Европа Иттифоқигача таркибий жиҳатдан икки ўлчовга, яъни минтақа–минтақа ёхуд минтақа–марказ ўлчовларига эга бўлган бўлса ва алоқаларнинг бошқа турлари ривожланмаган бўлса, ҳозир камида минтақа–марказ, минтақа–минтақа қўшимча алоқаларни кўриб чиқиш мумкин.

Бундан ташқари, қўшимча алоқалар айнан миллий давлатлар доирасида алоқалар зичлигининг камайиши эвазига юзага келган, яъни миллий давлатлар ўз ваколатларининг бир қисмини давлатдан устун турувчи органларга топширганлар, айни вақтда минтақа даражасидаги ваколатлар

¹ Тэвдой-Бурмули А.И. Европейский национализм в контексте европейской интеграции. Доклады Института Европы. – М., 1996.

² Тэвдой-Бурмули А.И. Интеграция и кризис идентичности // Европейский Союз на пороге XXI века: выбор стратегии развития / Под.ред. Ю.А.Борко и О.В. Буториной. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – С. 56.

нафақат камаймаган, балки субсидиарлик принципи қўлланиши натижасида кўп ҳолларда ортган, яъни таркибий жиҳатдан миллий давлатларнинг интеграция жараёни минтақавий даражада номарказлашув жараёнларининг кучайиши билан кечган.

Шундай қилиб, амалда мамлакатлар Европаси концепцияси аста-секин минтақалар Европасига айланиши юз бермоқда. Бундай ўзгаришнинг оқибатларидан бири умумий «ўйин қоидалари»га эга бўлган умумий бозор ташкил қилиш эвазига минтақалар рақобатбардошлигининг ортишидир, яъни минтақалар глобал рақобатнинг ушбу бозоридаги мустақил ўйинчилар ҳисобланиши мумкин¹.

У ёки бу минтақанинг муваффақиятига таъсир этувчи омилларга унинг инфратузилмаси, экологияси, иш кучининг сифати, минтақавий ҳокимият идораларининг миллий давлат марказига қараганда кўпроқ даражада муносабатда бўлиши каби омиллар киради. Бинобарин, давлат ичидаги муносабатларнинг кескинлиги ҳам пасаяди, айрим минтақалар энди кўпчилик–камчилик модели доирасида камситилмайди, балки «камчиликлар Европаси»даги тенг ҳуқуқли ўйинчиларга айланади. Шундай қилиб, мамлакатлар ўз суверенитетини муайян даражада йўқотган ҳолда минтақалар кўпроқ мустақилликка эга бўлади².

Бироқ «минтақалар Европаси»ни қуриш Европа интеграциясининг эълон қилинаётган мақсади эмас, афтидан, уни Европа Иттифоқини «фуқаролар Европаси»га айланиши йўлидаги оралик босқич деб баҳолаш мумкин. Европа Иттифоқи фуқаролиги концепциясининг ишлаб чиқиши ва фаол илгари сурилиши ҳам, Европа Иттифоқи органларининг бевосита сайланиши орқали уларга легитимлик (қонунийлик) беришга уринишлар ҳам, Европа Иттифоқи федератив тузилмага айланиши учун муайян конституциявий асос бўлиб

¹ Бусыгина И. Региональная политика // Европейский Союз на пороге XXI века: выбор стратегии развития / Под ред. Ю.А. Борко и О.В. Буториной. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – С. 89.

² Региональное развитие: опыт России и Европейского Союза / Отв. ред. А.Г. Гранберг. – М.: ЗАО «Изд-во «Экономика», 2000. – С. 336.

хизмат қила оладиган Конституциявий шартнома ишлаб чиқилгани ҳам ушбу хулосамизнинг тўғрилигидан далолат беради.

Шундай қилиб, Европа Иттифоқи доирасида минтақаларни «тенглаштиришга» йўналтирилган минтақавий сиёсат ҳақида сўз юритадиган бўлсак, нафақат молиявий маблағларни у ёки бу даражада қайта тақсимлаш билан шуғулланувчи дастурлар, балки Европа Иттифоқини қуришнинг умумий принципларини ҳам унинг қуроллари сифатида баҳолаш мумкин.

Хусусан, Европа Иттифоқи фуқаролиги концепциясини ҳам жипслаштиришга хизмат қилувчи ана шундай қурол сифатида баҳолаш мумкин. Буни қуйидаги мулоҳазалар ҳам тасдиқлай олади:

1. Европа Иттифоқи фуқаролигининг жорий этилиши фуқароларнинг ҳокимият институтлари билан ҳуқуқий муносабатлари миллий даражада емирилишига олиб келади, чунки Европа Иттифоқи фуқаролари ҳуқуқларининг бир қисми – ҳаракатланиш, яшаш жойини танлаш эркинлиги, ижтимоий ҳуқуқлар – давлатдан юқори даражада амалга оширилади.

2. Европа Иттифоқи фуқаросининг ҳуқуқий муносабатлари миллий даражада қатъий белгиланган ҳолларда маҳаллий даражадан миллий даражани чеклаб ўтиб, давлатдан юқори даражага «сакраш» амалга ошади. Масалан, Европа Иттифоқининг фуқароси Европа Иттифоқининг аъзоси бўлган ва ўз мамлакатидан фарқ қилувчи бошқа мамлакатда яшаб турган тақдирда маҳаллий сайловлар ва Европарламентга бўладиган сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига эга, аммо мамлакатнинг миллий парламентида сайловларда иштирок эта олмайди.

3. Ҳаракатланиш, ишлаш ва тадбиркорлик эркинлиги ҳам трансчегаравий минтақаларнинг яқинлашувига жиддий таъсир кўрсатади. Дарҳақиқат, фуқаро қаерда ишлаши ёки қаерда кўчмас мулкка эга бўлишини танлаш имконига эга бўлган ҳолларда қўшни минтақаларнинг солиқ тўловчи ва инвесторга эга бўлиш учун рақобати жиддий кескинлашади. Бу рақобат уларни ўз инфратузилмаларини, солиқ тизимини, инвестиция муҳитини

ривожлантиришга ва умуман минтақадаги турмуш шароитини яхшилашга мажбур қилади. Яъни Европа Иттифоқи фуқаролиги концепциясининг жорий этилиши ва амалга оширилиши марказ–минтақа ва минтақа–минтақа алоқаларининг мустақамланишига хизмат қилади, бинобарин, минтақавий сиёсат қуролларидан бири сифатида баҳоланиши мумкин.

2.3. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ва Ўзбекистонда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мақоми

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади¹.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ўз идоралари ва мансабдор шахслари орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари олдида масъулдир, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эса давлат олдида масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги фуқароликни олиш асосларидан қатъи назар барча учун тенгдир.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари келиб чиқишларидан, ижтимоий ва мулкӣ ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан,

¹ “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 1992 йил 2 июльдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Т., 1992. – № 9. – 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2004. – № 51. – 514-модда.

машғулотининг тури ва сажияси ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий турмушнинг барча соҳаларида таъминланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айти бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг ҳам фуқаросидир.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўладилар:

1) келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ ҳолатидан, ирки ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғулотининг тури ва сажиясидан қатъи назар, ушбу Қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар;

2) давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқиётган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида туғилган бўлсалар ёки доимий яшаганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмасалар ва ушбу Қонун кучга кирганидан кейин кечи билан бир йил ичида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар¹.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, паспорт олингунга қадар эса – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки шахснинг фуқаролигига доир маълумотлар бўлган ўзга ҳужжат – Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар деб ҳисобланади.

¹ “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 1992 йил 2 июльдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Т., 1992. – № 9. – 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2004. – № 51. – 514-модда.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг намуналарини, уларни бериш тартиби ва шартларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди¹.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эркак ёки аёлнинг чет эл фуқароси билан ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, шунингдек бундай никоҳнинг бекор қилиниши эр ёки хотиннинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

Эр-хотиндан бирининг фуқаролиги ўзгариши иккинчисининг фуқаролиги ўзгаришига олиб келмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элда яшаши Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилишига олиб келмайди.

Чет элда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг ҳимояси ва ҳомийлигидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси, унинг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ўзлари борган мамлакат қонунлари билан, Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқароси борган давлат қатнашаётган шартномалар ҳамда халқаро одатлар билан бериб кўйилган ҳамма ҳуқуқлардан тўла фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари учун чоралар кўришлари, уларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини қонунларда белгиланган тартибда ҳимоя қилишлари, зарур ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўришлари шарт.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси чет давлатга топширилиши мумкин эмас.

¹ Положение «О паспортной системе в Республики Узбекистан» от 26 февраля 1999 г. // Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 91 «О дополнительных мерах по совершенствованию паспортной системы в Республики Узбекистан» от 27 февраля 1999 г.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахснинг чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар деб ҳисобланади¹.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қуйидаги ҳолларда олинади:

- 1) туғилганда;
- 2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши натижасида;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича².

13-модда. Ота-онаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган болаларнинг фуқаролиги

Туғилган пайтида ота-онаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган бола, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёхуд Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилган бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган қуйидаги ҳолларда бола Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади:

- 1) агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган бўлса;
- 2) агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида туғилган бўлсаю, ота-онаси ёки уларнинг бири шу вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлса.

Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган бўлса, агар бу вақтда

¹ Положение «О виде на жительство в Республике Узбекистан для иностранца, виде на жительство в Республике Узбекистан для лица без гражданства и удостоверении лица без гражданства» от 26 февраля 1999 г.

² Международное публичное право: Учебник / Отв. ред. Х.Т. Адилкариев. – И.: Zarqalam, ТГЮИ, ЦИПЧГП, 2003. – С. 155.

ота-она Ўзбекистондан ташқарида доимий истиқомат жойига эга бўлган бўлсалар, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилган боланинг фуқаролиги ота-онанинг ёзма тарзда ифодаланган келишуви билан белгиланади.

Ота-онасидан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлган ёхуд номаълум бўлган тақдирда, бола қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар у Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Онасининг фуқаролиги бўлмаган боланинг отаси белгиланиб, у Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса, 14 ёшга етмаган бола, қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади¹.

Фуқаролиги бўлмаган, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган боласи Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Ота-онаси номаълум бўлган ва Ўзбекистон ҳудудида яшаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосномаларига кўра, келиб чиқишидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш шартлари қуйидагилардан иборат:

1) чет эл фуқаролигидан воз кечиш;

¹ “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 1992 йил 2 июльдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Т., 1992. – № 9. – 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2004. – № 51. – 514-модда.

2) сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаганлик.

Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларга, башарти улар шу ерда туғилган ва ҳеч бўлмаса ота-онасидан бири, буваси ёки бувиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилганлигини ва бошқа давлатларнинг фуқароси эмаслигини исботласа, тааллуқли бўлмайди;

3) қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тан олиш ва бажариш¹.

Ушбу модданинг 1, 2 ва 3-бандларида қайд этиб ўтилган талаблар алоҳида ҳоллардагина Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси олдида буюк хизматлари ёки фан, техника ва маданият соҳасида катта ютуқлари бўлган, шунингдек Ўзбекистон Республикасини қизиқтирадиган касб ёхуд малакага эга бўлган айрим шахсларга нисбатан ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Агар шахс:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик ишлатиб ўзгартиришни ёқлаб чиқаётган бўлса;

фаолияти Ўзбекистон Республикасининг конституциявий принципларига зид бўлган партиялар ва ўзга ташкилотларга аъзо бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жазоланадиган хатти-ҳаракатлар учун озодликдан маҳрум этилган ва жазони ўтаётган бўлса, уни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномаси рад этилади.

¹ Положение «О виде на жительство в Республике Узбекистан для иностранца, виде на жительство в Республике Узбекистан для лица без гражданства и удостоверении лица без гражданства» от 26 февраля 1999 г.

Илгари Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган шахс ўз илтимосномасига биноан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тикланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- 1) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш оқибатида;
- 2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш оқибатида;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асосларга биноан.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхтателиши Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролигининг тўхталишига сабаб бўлади¹.

Шахсининг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишга рухсат этилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс давлат олдидаги мажбуриятларини ёки фуқароларнинг ёхуд давлат ва жамоат ташкилотларининг муҳим манфаатлари билан боғлиқ мулкӣ мажбуриятларини бажармаган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши рад этилиши мумкин.

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса ёки шахсининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлиги манфаатларига зид бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига йўл қўйилмайди.

Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқотилади:

- 1) шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги натижасида;

¹ Международное публичное право: Учебник / Отв. ред. Х.Т. Адилкариев. – И.: Zarqalam, ТГЮИ, ЦИПЧГП, 2003. – С. 157.

2) агар чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса;

3) агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлғонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони чиққан кундан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги йўқотилади¹.

Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарганлиги натижасида уларнинг ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтганида ёки ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанида, ўз навбатида уларнинг 14 ёшга тўлмаган болаларининг фуқаролиги ҳам ўзгаради.

Агар боланинг ота-онасидан бири маълум бўлса, ана шу ота ёки онанинг фуқаролиги ўзгарганида 14 ёшга тўлмаган боланинг фуқаролиги ҳам тегишли суратда ўзгаради.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланса, бошқаси эса чет эл фуқароси бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олаётган ота ёки онанинг илтимосномасига кўра бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши мумкин.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланса, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланса, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи бола Ўзбекистон Республикаси

¹ “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 1992 йил 2 июльдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Т., 1992. – № 9. – 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2004. – № 51. – 514-модда.

фуқаролигини олаётган ота ёки онанинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши мумкин.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқса, бошқаси эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб қолаверса, бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган ота ёки онанинг илтимосномасига кўра бундай боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига рухсат этилиши мумкин.

Чет эл фуқароси ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Чет эл фуқароси бўлиб, бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Фуқаролиги бўлмаган, бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Чет эл фуқароси бўлиб, бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси чет эл фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинаётган бола фарзандликка олувчиларнинг келишувига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, чет эл фуқаролари томонидан фарзандликка олинган ёки бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси чет эл фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади. Фарзандликка олувчиларнинг илтимосномасига кўра бундай боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига рухсат берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, болани фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинган ёки бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида фуқаролик масалалари, хусусан, фуқароликни қабул қилиш, фуқароликда бўлиш, фуқаролик мақоми, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фуқароликдан чиқиш, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тегишли равишда қонун ҳужжатларида изчил равишда белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик масалаларини тартибга солиш халқаро андазаларга тўлиқ мос тушади. Республикамизда фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар республикамизнинг халқаро шартномалари асосида барча ҳуқуқ ва эркинликлар билан таъминланган, уларнинг эркинликлари Конституция билан кафолатланган.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин.

1. «Фуқаролик» тушунчасининг илдизи қадимги Юнонистон ва Рим тарихига бориб тақалади. У Буюк Француз инқилобидан сўнг кенг тарқалган. Айни вақтда, қадимги замондаги ва ҳозирги даврдаги фуқаролик институти ўзаро кескин фарқ қилади.

2. «Фуқаролик» тушунчаси турли мамлакатларда уларнинг тарихий, маданий ва лингвистик анъаналари билан боғлиқ турли маъно жиҳатларига эга. *Фуқаролик деганда жисмоний шахснинг маълум бир давлат билан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлишида ифодаланувчи мустаҳкам ҳуқуқий алоқаси тушунилади.*

3. Фуқаролик концепциясининг замонавий таърифлари турли жиҳатларни акс эттиради. Улар учун умумий жиҳат фуқаролик объектлари ва/ёки субъектларининг, шунингдек улар ўртасидаги муайян муносабатларнинг мавжудлигидир.

4. Тадқиқотнинг ишчи гипотезасини қуйидаги тахмин ташкил этади: индивид муайян жамоага нисбатан фуқаролик мақомига эга бўлган тақдирда, улар ўртасида икки турдаги муносабатлар қарор топади: биринчиси – индивидуум ўзини ушбу жамоанинг қисми сифатида биладиган ва жамоа мазкур мансубликни англайдиган муносабатлар; иккинчиси – тўрт (иқтисодий, маданий, ижтимоий, сиёсий) ўлчамга эга бўлган ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлар амалиёти орқали рўёбга чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар.

5. Ҳозирги замон халқаро муносабатларида фуқароликка эга бўлишнинг қуйидаги моделлари мавжуд:

- филиация (туғилишга асосан) асосида фуқароликка эга бўлиш;
- натураллашиш асосида фуқароликка эга бўлиш;
- халқаро шартномага асосан фуқароликка эга бўлиш.

Фуқароликка эга бўлишнинг асосий усули шахс туғилиши билан фуқароликка эга бўлишидир. Бошқа усуллар анча кам учрайди. Бунини тушуниш мумкин: одамларнинг аксарияти фуқароликни туғилганда олиб, ўз ҳаётлари давомида алмаштирмайдилар.

Фуқароликка эга бўлишнинг ҳуқуқий таомиллари ва амалиёти турли давлатларда турлича. Фуқароликка эга бўлишнинг туғилганлик билан боғлиқ республикавий ва этник модели, шунингдек натурализация жараёни натижасида амалга ошадиган ассимиляция ва мултимаданият модели маълум.

6. Икки (кўп) фуқаролик (бипатризм) – шахснинг икки ёки ундан ортиқ давлатнинг қонунлари асосида ушбу давлатларнинг фуқароси эканлигидан далолат берувчи ҳуқуқий ҳолатидир.

Фуқаросизлик (бипатризм) – фуқаролиги йўқ шахс билан истиқом давлати ўртасида мустаҳкам сиёсий-ҳуқуқий алоқа мавжудлигини истисно қилувчи ҳолат. Апатридлар, аввало, сиёсий ҳуқуқларда чекланадилар. Бундан ташқари, улар бирор-бир давлатнинг дипломатик ҳимоясига даъво қила олмайдилар.

7. Европа Иттифоқи фуқаролигининг жорий этилиши фуқароларнинг ҳокимият институтлари билан ҳуқуқий муносабатлари миллий даражада емирилишига олиб келади, чунки Европа Иттифоқи фуқаролари ҳуқуқларининг бир қисми – ҳаракатланиш, яшаш жойини танлаш эркинлиги, ижтимоий ҳуқуқлар – давлатдан юқори даражада амалга оширилади.

Европа Иттифоқи фуқаросининг ҳуқуқий муносабатлари миллий даражада қатъий белгиланган ҳолларда эса миллий даражани четлаб ўтган ҳолда маҳаллий даражадан бирданига давлатдан юқори даражага «сакраш» амалга ошади. Масалан, Европа Иттифоқининг фуқароси Европа Иттифоқининг аъзоси бўлган ва ўз мамлакатидан фарқ қилувчи бошқа мамлакатда яшаб турган тақдирда маҳаллий сайловлар ва Европарламентга

бўладиган сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига эга, аммо мамлакатнинг миллий парламентида сайловларда иштирок эта олмайди.

8. Европа Иттифоқи фуқаролиги концепциясининг жорий этилиши ва амалга оширилиши марказ–минтақа ва минтақа–минтақа алоқаларининг мустақамланишига хизмат қилади ва, бинобарин, минтақавий сиёсат қуролларидан бири сифатида баҳоланиши мумкин, чунки ҳаракатланиш, ишлаш ва тадбиркорлик эркинлиги ҳам трансчегаравий минтақаларнинг яқинлашуви жиддий таъсир кўрсатади.

9. Европа Иттифоқи фуқаролиги ҳозирги пайтда Европа фуқаролигининг хусусий ва ягона мумкин бўлган ҳолатидир; «Европа фуқаролиги» ва «Европа Иттифоқи фуқаролиги» истиқболда Европа Иттифоқи кенгайиши билан кенг маъноли тушунчаларга айланади; Европа Иттифоқининг умумий фуқаролиги негизида Европа интеграциясининг кучайиши янги бўлинишга ҳамда Европа Иттифоқига кирмайдиган мамлакатлар Европадан аста-секин «сиқиб чиқарилишига» олиб келиши мумкин.

10. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик масалалари, хусусан, фуқароликни қабул қилиш, фуқароликда бўлиш, фуқаролик мақоми, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фуқароликдан чиқиш, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тегишли равишда қонун ҳужжатларида изчил равишда белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик масалаларини тартибга солиш халқаро андазаларга тўлиқ мос тушади. Республикамизда фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар республикамизнинг халқаро шартномалари асосида барча ҳуқуқ ва эркинликлар билан таъминланган, уларнинг эркинликлари Конституция билан кафолатланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Рахбарий адабиётлар. Президент И.А. Каримовнинг асарлари:

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 381 б.
- 1.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
- 1.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 350 б.
- 1.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 381 б.
- 1.6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 430 б.
- 1.7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 412 б.
- 1.8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 524 б.
- 1.9. Каримов И.А. Ватан равнақи ҳар биримиз масъулмиз. – Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 435 б.
- 1.10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 326 б.
- 1.11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
- 1.12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.

1.13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.

1.14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.

1.15. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.

1.16. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т. 17. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.

1.17. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро шартномалар:

2.18. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. Matn o'zbek, rus va ingliz tillarida. – Т.: “O'qituvchi” NMIU, 2010. – 224 б.

2.19. Договор об учреждении Европейских Сообществ. – М. Норма, 1991.

2.20. Соглашение о Европейском Союзе. – М.: Прогресс, 1996.

2.21. Хартия основных социальных прав трудящихся Европейских Сообществ 8 декабря 1989 г.

2.22. Закон Республики Узбекистан «О гражданстве Республики Узбекистан» от 2 июля 1992 г.

2.23. Указ Президента Республики Узбекистан «О совершенствовании паспортной системы Республики Узбекистан» от 26 февраля 1999 г.

2.24. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №91 «О дополнительных мерах по совершенствованию паспортной системы в Республики Узбекистан» от 27 февраля 1999 г.

2.25. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №92 «Об упорядочении приобретения жилья иностранными гражданами и лицами без гражданства в Республике Узбекистан и въезда для постоянного проживания в г. Ташкенте» от 27 февраля 1999 г.

2.26. Положение «О паспортной системе в Республики Узбекистан» от 26 февраля 1999 г.

2.27. Положение «О виде на жительство в Республике Узбекистан для иностранца, виде на жительство в Республике Узбекистан для лица без гражданства и удостоверении лица без гражданства» от 26 февраля 1999 г.

3. Китоблар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва монографиялар:

3.28. Арановский К.В. Государственное право зарубежных стран: Учебник для вузов. – М.: ФОРУМ – ИНФРА-М, 1998.

3.29. Бобоқулов Х. Европа ҳуқуқи. – Т.: ЖИДУ, 2005.

3.30. Борко Ю.А. Что такое Европейский Союз? – М.: Интердиалект +, 2000. – 44 с.

3.31. Бояре Ю.Р. Вопросы гражданства в международном праве. – М., 1986.

3.32. Бусыгина И. Региональная политика. Европейский Союз на пороге XXI века: выбор стратегии развития / Под ред. Ю.А. Борко и О.В. Буториной. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – 472с.

3.33. Витрук Н. В. Основы теории правового положения личности в обществе. – М., 1979.

3.34. Галенская Л.Н. Право убежища (международно-правовые вопросы). – М., 1968.

3.35. Европейский Союз на пороге XXI века: выбор стратегии развития / Под ред. Ю.А. Борко и О.В. Буториной. – М.Эдиториал УРСС, 2001. – 472 с.

3.36. Международное публичное право: Учебник / Отв. ред. Х.Т. Адилкариев. – И.: Zarqalam, ТГЮИ, ЦИПЧПП, 2003.

- 3.37. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ, 2002.
- 3.38. Очилов Б.Э. Территория и население в международном праве: Учебное пособие. – Т.: ВШСАиП, 2004.
- 3.39. Потемкина О. Сотрудничество в сфере внутренних дел и правосудия. Европейский Союз на пороге XXI века: выбор стратегии развития / Под ред. Ю.А.Борко и О.В.Буториной. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – 472с.
- 3.40. Право Европейского Союза: Учебник для вузов / Под ред. С.Ю. Кашкина. – М.: Юристъ, 2004.
- 3.41. Стрежнева М. ЕС и СНГ: сравнительный анализ институтов. – М., 1999.
- 3.42. Топорнин Б.Н. Европейское право: Учебник. – М.: Юристъ, 1998. – 456 с.
- 3.43. Тэвдой-Бурмули А.И. Европейский национализм в контексте европейской интеграции. Доклады Института Европы. – М., 1996.
- 3.44. Циммерман М.А. История международного права с древнейших времен. – Прага, 1924.
- 3.45. Черниченко С.В. Международно-правовые вопросы гражданства. – М., 1968.
- 3.46. A New Impetus for European Youth European Commission White Paper. – Brussels, 2001
- 3.47. Audigier F. Basic Concepts and core competencies for education for democratic citizenship. – Geneva: University of Geneva, 2000.
- 3.48. Barbalet J.M. Citizenship: Rights, Struggle and Class Inequality. – Minneapolis: University of Minnesota press, 1988.
- 3.49. Bezner R. Theorizing Citizenship. – New York: State University of New York Press, 1995.

3.50. Brubaker R. Citizenship and Nationhood in France and Germany. – Cambridge: Mass., 1992.

3.51. Cogan J.J. Citizenship for the 21st century: an international perspective on education. – London: Kogan page, 2000.

3.52. Gelpi E. Towards a democratic citizenship: report. – Strasbourg: Council of Europe, 1996.

3.53. European Governance A White Paper Commission of the European Communities. – Brussels, 2001.

3.54. Ichilov O. Citizenship and Citizenship Education in Changing World. – L.: The Woburg Press, 1998.

3.55. Janovitz M. The reconstruction of Patriotism. Education for Civic Consciousness. – Chicago: University of Chicago Press, 1983.

3.56. Kojanec G. The European citizenship. – Strasbourg: Council of Europe, 1997.

3.57. Marshall T.H. Class, Citizenship and Social Development. – Chicago: University of Chicago Press, 1973.

3.58. Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – T.: Adolat, 2007.

3.59. Painter J. Multi-level Citizenship, Identity and Regions. – Durham: Contemporary Europe Department of Geography University of Durham, 1989.

3.60. The ABC of Community Law. 5th ed. – Luxemburg: Office for Official Publications of the European Communities, 2000.

3.61. Janovitz M. The reconstruction of Patriotism. Education for Civic Consciousness. – Chicago: University of Chicago Press, 1983.

4. Газета ва журнал мақолалари:

4.62. Васильева Т.А. Эволюция института гражданства Европейского Союза // Государство и право. – М.: Наука, 2007. – № 12. – С. 22-30.

4.63. Калиниченко П.А. О гражданстве Европейского Союза // Московский журнал международного права. – М.: Междунар. отношения, 2000. – № 3. – С. 47-50.

4.64. Лепешков Ю. Гражданство Европейского Союза: нонсенс или объективная закономерность в международном праве // Белорусский журнал международного права и международных отношений. – Минск, 1998. – № 5.

4.65. Монгуш М.М. Сравнительная характеристика института гражданства союза Республики Беларусь и России и гражданства Европейского Союза // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Юридические науки. – М.: Изд-во РУДН, 2001. – № 2. – С. 84-87.

4.66. Никитина О.А. Гражданство Европейского Союза и гражданство государств-участников: соотношение международно-правовых категорий // Вестник Московского университета. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2000. – № 3. – С. 94-102.

4.67. Очиллов Б.Э. Проблемы международной правосубъектности Европейского сообщества // Право европейского союза: Материалы V Международного Летнего Юридического Университета-2001. – Алматы: Адилет, 2002. – С. 89-92.

4.68. Closa M. The concept of citizenship in the Treaty on European Union // 29 Common Market Law Review. – 1992. – P. 1143-1155.

4.69. Dahrendorf R. Citizenship and Beyond: The Social Dynamics and Idea // Social Research, – 1994. – Vol. 41. – P. 42-49.

4.70. O'Leary S. The evolving concept of Community citizenship // 32 Common Market Law Review. – 1995. – C. 521-532.

4.71. Strudel S. The Making Of European Citizens / European Migrants As Voters Institut d'Etudes politiques de Lille // CRAPS (C.N.R.S. E.S.A.n8026). – 2001. – April. – P. 44.

5. Интернетнинг ахборот ресурслари:

5.72. Граждане и народы Европейского Союза // <http://ilts.ru/cgi-bin/eng.pl?id=271&type=2>.

5.73. Калиниченко П.А. Гражданство Европейского Союза // <http://www.ruseu.org/article.php?id=39>.

5.74. Лепешков Ю.А. Гражданство Европейского Союза: Нонсенс или объективная закономерность в международном праве // <http://un.minsk.by/publications/journal/journal5/lepeshkov.htm>.

5.75. Лукша Н. Гражданство Европейского Союза: содержание, проблемы, тенденции развития // <http://loukcha.at.tut.by/stati-europe-3.html>.

5.76. Моммен А. Федерализм и национальное государство // <http://www.politstudies.ru/-fulltext/1992/4/19.htm>.

5.77. Пройс У.К. О концепции Европейского гражданства // <http://www.hrighs.ru/text/b8/Chapter8.htm>.

5.78. Смирнова Е.С. Европа: эволюция взглядов на многогражданство во второй половине XX в. // http://www.law-and-politics.com/paper.shtml?a=1_2000&o=366961.

5.79. How the Charter was drawn up – The sources of rights. Justice and Home Affairs // <http://www.europa.eu.int>.

5.80. Jansen T. Reflections on European Identity // http://europa.eu.int/-comm/cdp/working-paper/european_identity_en.pdf.